



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil  
19-noyabr  
chorshanba  
№ 44 (1470)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ hurriyatuz@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## МУНОСАБАТ

# БИЗНИНГ КУЧИМИЗ – БИРЛИКДА!

Кундалик ҳаётда кўни-кўшиллар билан аҳил-иноқ, дўстона турмуш кечириш ҳар жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Ён-атрофдаги ҳамсоялар билан жанжаллашиб яшаш қайқанда-ю, қўришганда юзларда ёқимли табассум билан дийдорлашиб қаерда?! Бу борадаги муносабат, ўртадаги муҳит фақат хонадон соҳибларига эмас, бутун оила аъзолари — бола-чақалар кайфиятига ҳам таъсир қилади.



учун олдимизда янги имкониятлар очаётган жадал тараққиёт ва самарали ҳамкорлик маконидир.

Марказий Осиё минтақаси жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашмоқда: инвестициявий жозибадорлик ошмоқда, учинчи бозорларга экспорт имкониятлари кенгаймоқда, транзит салоҳияти ўсмоқда. Минтақанинг ўзида 2024 йилда ўзаро савдо ҳажми 10,7 млрд АҚШ долларига етди. Жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажми 17 фоизга кўлайди.

Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон ҳудудига хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, терроризм ва экстремизм таҳдидлари, трансчегаравий жиноятчиликка қарши курашиш борасида тизимли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ҳамжиҳатлик ва умумий тараққиёт сари интилишни кучайтириш Марказий Осиёнинг халқаро муносабатлар субъекти сифатидаги макomini мустақамлаш ва глобал миқёсдаги ролини оширишга хизмат қилмоқда.

Тошкентда ўтказилган еттинчи Маслаҳат учрашувига қайтайлик. Уша кунни Мар-

казий Осиё давлатлари сафига Озарбайжон Президенти ҳам қўшилди. Ахир яхши ниятли инсонлар, уларнинг тимсолида мамлакатлар кўпайгани жуда яхши, албатта.

Бу анжуманда бугун минтақамизнинг Янги Марказий Осиё сифатидаги тарихий уйғониш даври бошланаётгани таъкидланди.

Маълумки, ҳозир замон қалтис, эртага нима бўлишини айтиб бўлмайди. Ана шундай шароитда ўзаро ҳамжиҳатлигимиз ва бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз муҳим аҳамият касб этади.

Биз учун ҳозирнинг ўзида минтақамизни бундан 20-30 йилдан кейин қандай кўришни хоҳлашимиз бўйича аниқ тушунчага эга бўлишимиз муҳим. Анжуманда сўз олган Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистон Президентининг амалга ошираётган ишларига тўхталиб, уни узоқни кўра олиш қобилиятига эга сиёсатчи сифатида эътироф этди. Илҳом Алиев, аввало, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувига иштирок этиш таклифи учун Шавкат Мирзиёевга чуккур миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон томонига аънавий меҳмондўстлиги учун ташаккур айтди. “Биродарим Шавкат Миромоновичнинг доно раҳбарлиги остида Ўзбекистон ривожланиш ва бунёдкорлик йўлидан ишончли тарзда бормоқда”, деди у. “Президентнинг кундалик гамхўрлиги тўғрисида Ўзбекистон дунёнинг етакчи спорт давлатлари қаторидан жой олган. Яқинда бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинлари бунга яққол кўрсатди. Шавкат Миромонович нафақат доно давлат арбоби, балки Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган инсондир” дея таъкидлади у.

Маслаҳат учрашувига Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари сўзга чиқишди. Улар Президентимиз ҳар жиҳатдан етакчи эканлигини, таклиф этаётган ташаббуслари юксак баҳога сазоворлигини айтишди. Минтақада Оқсоқоллар кенгаши тузиш таклифи этилди. Бу фикр халқ дипломатияси соҳасидаги кадрят ва аъналаримизга эга жамоат арбобларидан иборат кенгаш тузилишини назарда тутарди. Яқин истиқболда Умумий инвестиция макони тўғрисидаги декларацияни қабул қилиш муҳим деб ҳисобланди.

Мазкур учрашувдан қандай хулоса чиқариш мумкин? Президентимиз хулосани шундай ифодалади: “Алоҳида таъкидламоқчиман: бизнинг кучимиз — бирликда, муваффақият сари йўлимиз — дўстлик ва ҳамкорликда. Фақат ҳамжиҳат бўлиб, ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва стратегик ёндашувларга таяниб, эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин”.

Аслар давомида Ўрта Осиё давлатлари ўртасида ёпилмаган, миналаштирилмаган чегаралар Шавкат Мирзиёев президентлиги даврига келибгина очилганида миллионлаб юртдошларимизгина эмас, миллионлаб кўшилларимиз ҳам севингани чин ҳақиқатдир. Кўни кеча ана шу йўлда Ўзбек-Туркман халқлари учун яна бир эзгу амалий ҳаракат, қувончли воқеа рўй берди: Хоразм билан чегарадош ҳудудда икки мамлакат тадбиркорлари барпо этган жаҳон бозори очилди!

Қаранг, шундай қатъият билан бошқаларни ортидан эргаштириш Президентимизга хос. Бунга оддий халқимиз яхши билиши ва ҳақли равишда фахрланиши керак!

Шухрат ЖАББОРОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

## ФАХР



Сенинг пойингда юрт гулхона бўлмай,  
Муҳаббат аҳлига қошона бўлмай!

Кўшинг қувнагай бахтимни кучса,  
Ҳама ошиқларинг шарқона бўлмай!

Дилим чақмоқ чақиб, ишиқингда ёнса,  
Ғанимлар гам чекиб бегона бўлмай!

Самода чарх урар оққушларингга  
Битилган байтларим дўстона бўлмай!

Севинчим сизмагай гоҳо дилмида,  
Жаҳон тинчлик аро тинчхона бўлмай!

Яратган ишиқинда куйган гиёҳман,  
Ҳамал кўнгил сўраб, ҳамхона бўлмай!

Ўзиб кетмоқдадирман ўзлимдан,  
Суйанчим, ўз элим, мардона бўлмай!

Онамни сийлаган осуда тупроқ  
Менинг қалбимда ҳам остона бўлмай!

Қувончим, навқироним, Ўзбекистон,  
Кучоғи нурга тўлган Она бўлмай!

Буюк Соҳибқирон ёққан чирози  
Адолат мулкига Туркона бўлмай!

Замонам тинчлигин кутлайди дунё,  
Энг одил Раҳнамо парвона бўлмай!

Ёниб Ахтамқули суйган заминда  
Ҳўмо ҳайратланиб, афсона бўлмай!

АХТАМҚУЛИ

## ПУБЛИЦИСТИКА

# ҲАЁТИДАН МАМНУН

# ОДАМЛАР



Ўзбекистонда шаҳару қишлоқлар кўп. Лекин ҳар бирининг тарихи, географияси бошқа-бошқа. Зармитан ҳам шундай гузал ва қадимий қишлоқ. Нурота тоғ тизмаси, тоғ-адирлар, дашту далаларга туташ бу масканни баланд қирлардан томоша қилсангиз, кўз унгингизда жозибали бир манзара намён бўлади.

Овлоқ бу жойларда булоқлар кўз очиши билан сой ёқалаб Чормитан, Қизилбел, Тегирмоновул, Қўрғон, Қирқовул, Саксончел, Қувқалла, Бойтўп, Кўповул, Майинтепа, Сарой ва бошқа қишлоқлар пайдо бўлган экан. Маҳаллий аҳоли чорвачилик, деҳқончиликда донг таратган. Кўрасида қўй-қўзиси, мол-ҳоли, томорқаси ва боғ-роғи бор одам ўзига тўқ яшаган. Улар ҳар йил эрта баҳорда ерга уруғ сочган, чорваси ортидан дала-дашларни кезган, тоқзору мевазор болларга меҳр бағишлаб, бунинг ортидан ҳаёт кечирган.

Айниқса, улар билан гурунг қилсангиз, юзлари қуёшда қорайган, меҳнатда тобланган инсонларнинг мароқли хангомасидан завқ оласиз. Одамлари жуда ажойиб: содда, самимий, меҳмондўст. Айниқса, оғизбирчилигига гап йўқ. Тўй-маърака, яхши-ёмон кунларда бир-бирига камарбаста, елкадош, маслақдош. Бу элда яна бир яхши урф-одат бисёр. Ёшлари бир-бирига эргашиб, ҳавас қилиб, илмга интилгани-интилган. Шу сабабимиз, бу ердан кўплаб етук инсонлар, раҳбарлар, дарғалар етишиб чиққан. Бу аъна ҳозир ҳам бардавом. Мисол учун, кимнинг боласи олийгоҳга ўқишга кирса, ўша кунни қишлоқда катта байрам, тўй бўлади. Чунки бунга энг катта муваффақият деб билади. Бундай эътирофларни айтаверсак, бунинг ўзи том-том китоб бўлади.

2-6

## МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Қадим Самарқанд заминда не-не улўғлар, алломаларнинг табаррук излари бор. Бугун биз уларнинг номини маърифат чинорлари, миллатимиз улўғлари сифатида ёд этамиз. Ана шундай фидойилардан бири — буюк маърифатпарвар аллома Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддикий-Ажзийдир. У уйини сотиб, мактаб қурган эди...

Вилоятнинг Жомбой туманидаги Ҳалвойи маҳалласида жойлашган 19-мактабда бир эскироқ бино бор. Манбаларда

# МАЪРИФАТ ЧИНОРИ

## Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддикий-Ажзий нега уйини сотиб мактаб қурган эди?

келтирилишича, бу бинони мактаб сифатида маърифатпарвар аллома ўз уйини сотиб қурдирган экан.

У киши 1864 йили шу қишлоқда камбағал оилада туғилган.

Болалигида эрта етим қолганига қарамай Сиддикий-Ажзий эски мактабда ўқишни давом эт-

тирган. Уни, асосан, бобоси ва холаси тарбиялаган. Кейинчалик Саидахмад соатсозлар билан ишлади. Бироз камолотга келиб, Бухорога катта мадрасага ўқишга боради. Орадан уч йил ўтгач, Ажзий моддий қийинчиликлар тўғрисида Бухоро мадрасасида ўқишни тўхтатиб, турли жойларда, жумладан, қо-

зида котиб бўлиб ишлади. 1901 йилда Сиддикий отасидан мерос қолган уй-жой ва ерни сотиб, олинган даромад ҳисобига ўз қишлоғида мактаб қуради ва Маккага, муқаддас Ҳажга жўнаб кетади.

6-6

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

# БЎЛАЖАК ЖУРНАЛИСТЛАР

## “Жаслар ТВ”ДА АМАЛИЁТ ЎТАМОҚДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг журналистика кафедраси ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, кафедра ассистент ўқитувчиси М.Темирбаева журналистика мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ҳамон равишда утказиш лойиҳасини йўлга қўйган. Бу жараён, айниқса, “Касб эгаси” дуал таълим шартномаси асосида амалга оширилиши билан алоҳида эътиборга молик. “Касб эгаси” дуал таълими талабалар учун амалий тажриба олиш ва касбий билимларни мустақамлашда муҳим роль ўйнайди.

Бу гал лойиҳа доирасида журналистика мутахассислиги бўйича сиртқи таълимда таҳсил олаётган 5-курс талабалари “Жаслар ТВ” телеканалда амалиёт жараёнида қатнашишди.



4-6

ХУДУДЛАРДА

Ўтган жума куни эрталаб Андижон вилояти Бўстон тумани ҳокими Санобархон Носирова билан туман марказига кирвериш ақинидаги саноат зонаси ҳудудида учрашди. У тадбиркорлар билан мулоқот ўтказётган экан.

Тумандаги ислохотлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўзлади. Айниқса, туманда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик хусусида эшитиб, мақола ёзма арзигулик тажриба тўпланганига амин бўлди.

— Ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишлари давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилгани кўл келди, — деди Санобархон Носирова. — Туманимиздаги 70 та ижтимоий соҳа объекти иситиш тизимлари фаолияти давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган “Зиё-2002 МХ” масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан йўлга қўйилгани аниқ мудоа бўлди.

Ҳоким “Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши” деб “Зиё-2002 МХ” масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Музаффар Сайдалиевни бизга рўпара қилди. Иш юритувчи масъулияти чекланган жамият фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди. Унинг айтишича, тумандаги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, касалхоналар, оилавий поликлиникаларнинг иситиш тизими тармоқлари фаолиятини қониқарли таъминлаш давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган масъулияти чекланган жамият зиммасида экан.

Давлат-хусусий шерикчилик асосида иситиш тизимлари фаолияти намунали ташкил этилганлиги учун Бўстон тумани тажрибаси бундан беш йил аввал бутун республикага ёйилганлигини алоҳида қайд этиш ўринли.

# ШЕРИКЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

## Бўстон туманида фаровон турмуш бўй кўрсатаётгани ҳақида сўз



— Бугунги кунда тумандаги ижтимоий соҳа объектларининг 130 минг квадрат метр миқдордаги майдони иситилмоқда, — деди Музаффар Сайдалиев. — Туркия давлатида ишлаб чиқарилган “Kozlusan” русумли турли сизимдаги иситиш қозонлари олиб келиниб ўрнатилган.

Музаффар Сайдалиев ҳамроҳлигида тумандаги 6-давлат мактабгача таълим ташкилотига бўлди.

— Бугунги кунда боғчамизда 175 нафар бола тарбияланмоқда, — деди ташкилот раҳбари Дилфуза Ўбайдуллаева. — Боғчамиз қирқ йил аввал қурилган бўлиб, олти йил бурун мукамал таъмирланган. Авваллари қиш келаверса, юрагимиз безиллаб турарди. Утин ғамлаш, кўмир олиб келиш ўзимизнинг зиммамизда эди.

Мана беш йилдирки, бу ташвишдан қутулганмиз. Қишнинг энг совуқ кунларида ҳам хоналар иссиқ, болалар энгил кийимда бемалол юраверишади. Ота-оналарнинг хурсандлигини айтмайсизми! Чунки айрим хонадонларда шундай шароит йўқ-да.

Агар иситиш тизимида бирор носозлик бўлса, дарҳол давлат-хусусий шерикчилик вакилларига хабар берамиз, зум ўтмай келиб тузатиб беришади. Электр таъминотида ҳам деярли узиллиш бўлмайди. Мабодо бирор жойда фавқулодда узиллиш бўлиб қолса, қўшимча манба – “двизок”ни улаймиз.

48-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига 820 нафар ўқувчига 52 нафар ўқитувчи таълим берар экан. Уч қаватли мактаб биноси

хоналарига назар ташласангиз, ўғил-қизлар энгил кийимларда ўқиб ўтиришибди.

— Ихчамгина жойда учта иситиш қозонхонаси ишлаб турибди, — деди мактаб директори Мохим Дўстматова. — Бундан беш-олти йил аввал сифатсиз кўмир ёқиларди. Қўлларимиз ҳам, бинолар ҳам қораярди. Ҳозир ҳаммаси унутилди.

Бу мактаб биноси кўзимизга иссиқ кўринди. Бу бинода жойлашган билим юртига Ўзбекистон халқ шоири, раҳматли Тўлан Низом раҳбарлик қилган пайтлари келганларим ёдимга тушди...

— Тиббиёт муассасаларини ҳам кўрсатмасам бўлмайди, — деди ҳамроҳим Музаффар Сайдалиев.

Туман марказий касалхонасида-миз. У ерда бизни касалхона бош ши-

фокорининг ўринбосари Ойбек Ғаниев кутиб олди.

— Марказий касалхонамизда ўн иккита бўлим фаолият кўрсатмоқда, — деди Ойбек Ғаниев. — Касалхонамиз ва яна ўн битта оилавий поликлиниканинг иситиш тизими фаолиятини давлат-хусусий шерикчилик масъулияти чекланган жамияти йўлга қўйган. Жамият вакили қуну тун иситиш тизими фаолиятини назорат қилиб туради. Кўмир дейсизми, эҳтиёт қисм дейсизми, таъминоти билан улар шуғулланади.

Ойбек Ғаниев касалхона ҳудудидаги куёш панеллари билан ҳам таништирди. Бу ерда куёш панелларидан ҳам унумли фойдаланилаётгани ибратга молик.

— Туркия қозонхоналари учун Қозғистондан олиб келинган импорт кўмир ишлатамиз, — деб сўхбатни да-

вом эттирди Музаффар Сайдалиев. — Бундай қозонхоналарнинг самараси катта. Авваллари ишлатиладиган қозонхоналардан кўмир сарфи беш марта кам. Беш миллиард сўмлик кўмир захира қилиб қўйганмиз. Туркия қозонхоналари ёрдамида иситиш тизимининг афзалликларини тумандошларимиз ҳам англаб етишди. Турли ташкилотлар ва аҳоли хонадонларига ҳам шундай қозонхоналар ўрнатишга буюртмалар қабул қилияптиз.

Шундай. Илгор тажриба ҳар ишда керак. Шу боис юқорида Андижон вилоятининг Бўстон туманида бўй кўрсатаётган турмуш фаровонлигидан бир шингил ҳикоя қилдик, холос...

Дилмурод ҚИРГИЗБОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси.



1-6

Кўшработ! Бу элат ҳақида, балки, ўқиган, эшитгандирман. Аммо эътибор бермаганман. Тўғри, узоқ йиллар аввал раҳматли отам билан “Ўзбекистон 50 йиллиги” совхози деган жойига машхур чорвадор Марди бобо Тўймуродов хонадонига тўйга борганмиз. Кеч бориб-қайтганимиз, худди қишлоғимиздагидек оддий тўйни тўйлаганимиз сабабли, бу ҳудуд ҳақида кўрган-билганларим деярли ёдимда қолмаган. Чунки у пайтлар бола эдим. Фақат хотирамда қолгани ўша тўйга борар чоғимизда отам бир инсон билан узоқ гурун қилди. Уларнинг сўхбатидан эски қадрдонлар эканини англадим. Кейинчалик билсам, бу киши шу элда юксак ҳурмат-эътиборга эга инсон Абдуллахон эшон бобо экан.

Яна қайси бир йили ҳамқишлоғимиз Бойхўроз даллолнинг Тошкентда турайдиган Абдуқаюми, кейинчалик Ашур тракторчининг Байти Қўшработдан уйланиб, қуда бўлиб борган меҳмонлардан бу манзил ҳақида, элнинг касб-кори, ҳаёт тарзи ҳақида сал-пал таассуротга эга бўлганман. Яқинларгача бу элат ҳақида кўрган-билган, эшитганларим шу эди...

Комбинатга ишга кирганим бу эл одамлари билан янада яқинлаштирди. Бир гал қизиқ бўлган! У ерга хизмат юзасидан бориб, қайтар чоғда тамадди қилиш учун туман марказида тўхтадик. Айни тушлик вақти бўлгани учунми, биз борган ошхона хўрандалар билан гавжум, жой тақчил экан. Бир киши оқватланаётган столга бориб, ёнига ўтирдик. Шухрат деб таништирган ҳамстол билан гурунгимиз анча кўр олди. Янги танишга тутилган жойимни айтдим. “Нурободлик бўлсангиз, танийсизми-йўқми, билмадим, у ерда бизнинг Ирисбой ака деган қадрдонимиз бор. Ҳамма “Отахон” деб мурожаат қилади. Исмидан кўра, лақабини айтсангиз, ҳамма танийди”, деди. У пайтлар отам раҳматли ҳаёт эди. Янги таниш ва отамни телефон орқали боғладим. Эски қадрдонлар узоқ гаплашди. Мана шу қутилмаган учрашув сабаб, ҳозир ҳам бу оила билан борди-келдиллигимиз.

Яна шунга ўхшашроқ воқеа бўлган. Қўшработ марказига қадрдонлардан бирининг тўйига таклиф этилдим. Даврабози биринчи сўзни менга берди. Ниятларини айтиб, жойимга ўтиришим билан биз ўтирган даврага юзларидан нур ёғилиб турган бир киши келиб қўшилди. Саломлашдик. Бироздан сўнг у менга юзланди: “Сиз Ирисбой аканинг ўғли бўласизми?” деди. Мендан саволига тасдиқ жавобини олгандан кейин: “Отангиз билан раҳматли дадам — Абдуллахон эшон бобо хўп қадрдон ошна эди. Дадаңгиз бизнинг уйда кўп меҳмон бўлган”, деди.

Ҳаёт қизиг-а! Қутилмаган, кутмаган пайтда мана шундай ҳолатларга дуч этади. Бу кўрган-билганларимни айтиб ўтишимдан мақсад: яқинларгача мен яқиндан билмаган қўшработликлар бегона эмас, ота қадрдон одамлар экан.

XX аср ўрталари... Тарихий бир мўъжиза Зармитан ҳаётини ўзгартириб юборди. Машхур ўзбек геолог-олими Иброҳим Ҳамробоев бошчилигида экспедиция машинаси ушбу ҳудудда носоз ҳолга келиши билан боғлиқ. Атрофни томоша қилиб турган олимнинг эътибори сой ўзанида олтин зарраларига тушади ва кафтига бир сиким тупроқ олиб, диққат билан тикиларкан: “Бу юртнинг чангида ҳам тилла бор. Чормитан эмас, Зармитан экан бу ер”, дейди. Бу башорат кейинчалик геология-қидирув натижасида ўз исботини топди.

Олтмиш йилдан зиёд даврда бу ер улкан қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланди. Қу-

# ҲАЁТИДАН МАМНУН

# ОДАМЛАР



дудда замонавий кончилик ва металлургия индустрияси — “Зармитан” ва “Ғужумсой” конлари, 4-гидрометаллургия заводи ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари, Заркентдек кўркам кўрғон барпо этилди. Жанубий кон бошқармаси тарихидаги бу бўлимлар бугун юрт тараққиётига муносиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, ўн бир ойда комбинат мутахассислари кучи билан барпо этилган 4-гидрометаллургия заводи Навоий кон-металлургия комбинати солномасида тарихий қадам бўлди. Бу ўзгаришлар юрт одамлари ҳаётини яхшилаш, уларнинг ишли бўлишига жуда катта туртки берди.

Заркент кўрғони — замонавий кончилар маскани! Қўшработ туманидаги энг обод гўшалардан бири. Тўрт тарафи қир-адирлар, тоғлар билан қуршалган кенг майдонда шундай кўркам жой борлигидан ҳайратга тушишингиз табиий. Равон йўллар, кенг кўчалар, шаҳарсозлик андозалари асосида қурилган кўп қаватли уй-жойлар, ишчилар ётоқхоналари, ижтимоий соҳа объектлари, боғ-роғлар — ҳаммаси мусаввир мўйқаламида яралган асарга ўхшайди. Бу кўрғондаги шароитлар асло шаҳардан қолишмайди. Дид билан барпо этилган кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари, боғ-роғлар гўёки узукка кўз қўйгандек. Бундай бетакрор мўъжизанинг бунёдкори — Навоий кон-металлургия комбинати. Ушбу гигант корхона томонидан сўнгги ўн йилликда ишчи-ҳодимлар, ёш мутахассислар, ҳарбийлар учун 380 та хонадонга мўлжалланган 22 та кўп қаватли турар-жой, иккита 100 ўринли ишчилар ётоқхо-

наси, 26 ўринли меҳмонхона, 750 ўринли учта машина бино, 130 ўринли иккита ошхона, ёнғин хавфсизлиги биноси ва бошқа кўплаб ижтимоий соҳа объектлари барпо этилгани ва уларда яратилган шароитлардан аҳоли жуда мамнун. Кўрғон марказлашган канализация тармоғига уланган. Бундай қулайлик хаттоки кўплаб туман марказларида ҳам йўқ. Бундан диллар шод, кўнгилар обод.

Айниқса, комбинат томонидан қурилган “Қончи” маданият уйи, “Ёшлик” спорт мажмуаси, иккита минифутбол майдончаси, стадион, аквапарк ва бошқа мажмуаларда ишчи-ҳодимлар, уларнинг оиласи, маҳаллий аҳоли фаровон ҳаёт кечираётган бўлса, маданият ва спорт муассасаларида фарзандлари истеъдод ва жисмоний салоҳиятини оширмоқда. Бунда НКМК ходимлари касба уюшмаси кенгашининг ҳам иштироки таҳсинга лойиқдир.

Худудда саноат, ишлаб чиқариш ривожланиши ҳисобига йилдан-йилга аҳоли сони, кўрғон ҳудуди, уй-жойлар кенгайиб бормоқда. Буни 2000 йлда “Заркент” МФЙда бир ярим минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 4,8 минг нафарга етганидан ҳам ҳис этиш мумкин. Бу, албатта, турар-жойга эҳтиёжини янада ошираётгани турган гап. Шу боис ҳам худудда қурилиш авжига чиққан. Бир томонда комбинат, бир томонда хусусий қурилиш субъектлари замонавий уй-жой, турли объектлар, хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этишда давом этмоқда. Шу билан бирга, шифохона, 26-умумтаълим мактаби, 165 ўринли 13-сонли болалар боғчаси, тадбиркорлар томонидан йўлга қўйилган 3 та хусусий боғча, 3 та ўқув маркази, 2 та тикув цехи, 3 та гўзаллик салони, 3 та сунъий

қопламали кичик стадион, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш субъекти халқ хизматида. Ёш авлод келажаги, таълим-тарбияси, аҳоли фаровонлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Худудни кўжаломдорлаштириш, ободонлаштириш, боғ-роғларга айлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Кейинги йилларда кўрғон атрофи тўлиқ яшил белбоғ билан ўрналиб, 45 гектарлик мевазор боғ барпо этилди. Мевали ва манзарали ниҳоллар атрофга яшиллик, хўш кайфият бағишлаш билан бирга, етиштирилаётган мевалар аҳоли фаровонлигини ҳам таъминламоқда. Шунингдек, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бу, албатта, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати, “Инсон қадрини” эзгу тамойилнинг амалдаги ифодасидир.

— Қурилишлар давом этиб, кўрғонимиз йилдан-йилга гўзаллашиб бораётди. Худога шукр, халқнинг топиш-тутиши, яшashi яхши. Элимизда тадбиркорлар кўпаймоқда. Айтишадими: “Эли тўқнинг — кўнгли тўқ”. Бугун кўрғонимиз таниб бўлмас даражага келди. Дорилмон бир даврда яшаётганимиздан кўнгилар ярайди. Аввало, бундай шароитларни яратиш бераётган давлатимизга, хайрли ишлар бошида турган комбинатимизга катта раҳмат! Биз кескалар доим дуодамиз, — деди Абдухамид хожи Қўрбонов. — Ҳар кун кечки пайт гўзарни айланаман. Аксарият аҳоли ҳам бу паллада бола-чақаси билан қўчиб, ёруғ кўчалар, хиёбонлар, боғлар, аквапарк атрофида сайр қилади. Уларнинг оз-қузидаги кескис шукроналик, мамнунликдан кўнгилар ярайди. Бу ғамхўрлик учун, энг аввало, давлатимизга,

ушбу хайрли ишларнинг бошида турган комбинат маъмуриятига катта раҳмат! Бунинг барчаси оқилона сиёсатдан далолат.

Яхши биламизки, ҳар бир инсоннинг истаги уй-жой. Чунки уйи бор инсоннинг рўзғорига барака, ишида унум бўлади. Комбинат шонли анъанани давом эттириб, яқинда навабдаги хайрли ишга қўл урди. Заркентда 32 хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли хизмат уйи ишчи-ҳодимларга топширилди. Маскур турар-жойнинг 24 таси икки хонали, 8 таси эса уч хонали бўлиб, ушбу турар-жойни қуриш ишларига комбинат томонидан қарий 17 миллиард сўмдан ортиқ маблаг сарфланди.

Шу ўринда маскур уйни лойиҳалаш ва қуриш ишларини комбинат тўлиқ ўз кучи билан амалга оширганини айтиб ўтиш жоиз. Бунда Марказий лойиҳалаш бюроси, Зарафшон қурилиш бошқармаси, “Навоий” қурилиш-монтаж бошқармаси, “Саноатэлектромонтаж” трести ва Жанубий кон бошқармаси моҳир қурувчиларининг хизматлари таҳсинга муносиб.

— Қасбим тақозосидан келиб чиқиб, мен ҳам бўёқчи сифатида ушбу уй-жой қурилишида иштирок этиб, заркентликлар билан танишдим ва кўплаб қадрдонлар орттирдим. Бу замин одамлари жуда бағрикенг, меҳмондўст экан. Тез-тез ўзбекна лутф билан ҳол-аҳвол сўраб турди, — деди “Саноатэлектромонтаж” трести ишчиси Лобар Усмонова.

Яна бир эътирофга арзигулик жиҳати, янги уй сохиблари учун қулайлик яратиш мақсадида ҳар бир хонадонга комбинат ва Касаба уюшмаси кенгаши томонидан газ плитаси, сув иситкич, санузел ўрнатиб берилди. Шунингдек, янги уй ҳудудида болалар майдончаси, йўлаклар, ўриндиқлар ва бошқа шароитлар яратилгани уй эгаларини мамнун этди.

— Узим пастдарғомликман. Кепинингиз Гулшан Бўтаева Нурободдан. 2017 йилдан буён комбинат тизимида ишлабман. Оиламиз билан ўз уйимиз бўлишини оرزۇ қилардик. Мана, ниятимизга етдик. Бундан оила аъзоларим, барча яқинларим жуда хурсанд. Бу, албатта, биз учун муносиб совға бўлди. Қизалоқларимнинг қувончига қаранг, — деди Нурмухаммад Шоназаров. — Ҳаттоки бу хушхабардан ота-онам, яқинларим — барча-барчаси жуда мамнун. Бу ғамхўрлик учун давлатимиздан, мана шундай шарт-шароитларни яратиш берган комбинатимиздан чексиз миннатдоримиз. Янги уй сохиблари республикамизнинг турли вилоятларидан келган мутахассислар, ёш оилалар экан. Насиб бўлса, улар билан иноқ, тинч-тотув яшаб, борди-келди бўламиз.

Бу худудда қурилиш-бунёдкорлик ишлари кейинги босқичда ҳам давом этади. Жумладан, 160 та хонадонга мўлжалланган ва лифт билан жиҳозланган тўртта беш қаватли уй-жой, Жанубий кон бошқармаси маъмурий биноси, 500 ўринли “Қончи” маданият уйининг янги биноси, барча қулайликларга эга 400 ўринли маиший бинони қуриш режалаштирилган. Бу, албатта, ҳамкасбларимиз ва уларнинг оила аъзоларининг замонавий шароитларда яшashi, ишлаши учун янгидан-янги шароитларни яратиши шубҳасиз! Айниқса, янги маданият уйи қад ростлаши Заркентнинг истеъдодларни тарбияладиган энг кўркам маскани бўлишига ишончим-чиси қомил.

Ҳа, бугун ўз ҳаётидан мамнун одамлар фаровон ҳаёт тарзи, шукроналигини кўриб, очиги, ҳавасимиз келди. Албатта, бу юртимизда кезаётган тинчлик-хотиржамлик, ислохотлар самараси тўғайлидир.

Абдуҷамид ЖўРАЕВ,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси.

ФУРУР

# ВАТАНГА МУҲАББАТ ЭСТАФЕТАСИ

Ҳар бир халқнинг, давлатнинг халқ ва давлат сифатидаги обрў-эътиборини, жаҳон майдонидаги ўрнини белгилаб берувчи муҳим мезонлар бор, албатта. Бу мезонлар сирасида байроқ ўзига хос мазмун-моҳиятга, залворга эга. Унда халқнинг руҳий қувватини, ўзлигини намойиш этадиган маънавий бир қудрат бор. Бугун юртимизнинг барча гўшаларида, идора ва ташкилотлар пештоқида, уйларнинг теласида ҳилпираб турган байроқлар нафақат кўзимизни қувнатади, балки бизнинг ўзлгимиз ҳақида бонг уриб туради гўё. Унинг ҳар бир ҳилпираши Ватанни асраб-авайлаш, унинг тупроғини муқаддас деб билиш ҳақидаги хитоб бўлиб туолади менга.

Давлатимиз байроғи қабул қилинган кун муносабати билан юртимизда ташкил этилган "Бир Ватан, бир эл, бир байроқ" шiori остидаги байроқ эстафетаси чиндан ҳам барчамизни шу ҳаётбахш гоа атрофига жам этди: биз бир байроқ остида бир Ватан, бир эл бўлиб бирлашдик! Биз катта куч эканимизни янада тийранроқ ҳис қилдик!

Лойиҳа доирасида Хоразм вилоятида бўлиб ўтган тадбирлар шуқуҳи ҳамон тарқ этгани йўқ. Тарқ

этмайди ҳам! Байроқни кўшни қорақалпоқ қардошларимиздан қабул қилиб олиш учун вилоятимизнинг бир гуруҳ нурунийлари, фаоллари, ижодкорлари, санъаткорлари, ёшлари шу йилнинг 9 ноябрь куни эрталаб Юртбошимизнинг ташаббуслари билан барпо этилган Амударё кўприги томон ошиқдик. Автобус ва машиналарнинг деразаларидан мағрур ҳилпираб турган юртимиз байроғини кўриб, йўловчилар, пиедалар бир зум тўхтаб қолдилар, уларнинг нигоҳлари беихтиёр бу сурурли лаҳзаларга қадалди. Ёш-у катталар бу жараёни кўларидан телефонларга расм ва видеоларга олаётганини кўриб, уларнинг ўзидан ҳам кўпроқ қувондим. Уларнинг бу ҳаракатида Ватанга бўлган муҳаббат жўш уради! Байроғимизда маънавий қудрат билан бирга сеҳрли куч ҳам бор. Бу қудрат, бу сеҳр кишини бир зумда ўзлгига қайтара олишига ишондим!

Кўприкка яқинлашганимизда қорақалпоқ қардошларимиз давлатимиз байроғини баянлаб кўтариб, кўприкнинг нариги томондан биз томонга қараб келаётганини кўриб, дилларимиз бир антиқди. Мана байроғимиз! Уни қабул қилиш фурсати энди бизда! Олга, Хоразм!

Хоразм вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Салаев бошчилигидаги делегациямиз байроғимиз ҳузурига

ошиқди. Уни қорақалпоқ элидан қабул қилиб олар эканмиз, дилларимиз яна бир энтикар эди. Байроқни олиб, елкамизда шу улкан вазифа билан воҳамизга қайтдик. Вилоятимизда икки кун давомида ўтган эстафета тадбирлари мағруравий куч ўлароқ элдошларимизни фахр-ифтихор туйғулари ила ўз атрофига бирлаштирди. Гурлан, Янгибозор, Урганч, Хива, Туркманлар овули жойлашган Улли ҳовли ҳудудлари оша ўтган байроғимизга боқиб, гурур-ифтихор билан ҳаётга қараш шарафини юракдан ҳис қилдик. Шундан сўнг 11 ноябрь куни байроқни биздан Саримой чегарасида Бухоро вилояти қабул қилиб олди. Бу ҳол байроқнинг шунчаки ҳудуддан-ҳудудга ўтиши эмас эди. Асло! Бу Ватанга бўлган меҳру муҳаббатнинг, юртга бўлган садоқатнинг, келажакка бўлган ишончнинг одамлардан-одамларга, юраклардан-юракларга ўтиши эди! Байроқни қабул қилиб, уни бошқа бир ҳудудга топшириш, байроғимизни бу-тун мамлакатимиз бўйлаб олиб ўтиш тантанаси замирида ана шу маъно мужассам, аслида. Ҳа, бу Ватанга муҳаббат эстафетаси бўлди! Биз бир-биримизга шу муҳаббатни ўлашдик. Муҳаббатки, Ватан ишқи ҳар кимни бемор айласин. Муҳаббатки, юрт ишқи ҳар кимни бедор айласин! Зотан, инсон учун Ватан бир, эл бир, байроқ биттадир!

*Байроқнинг ҳар толасидан кўҳна Турон кўрингай,  
Турку Ҳазар, Салжўқийлар ҳам Қорахон кўрингай,  
Хоразмшоҳ, Темурийу шонли Усмон кўрингай,  
Ғазнавийлар, Ғарбий, Шарқий Хун хоқон кўрингай,  
Уйғур, Авар, Олтин Урда, Эфтал замон кўрингай,  
Буюк ўн тўрт туркий элли кучган даврон кўрингай.*

*Ҳилпираган жонимдир у, унда иймон кўрингай,  
Ҳавас билан боқиб турган жумла жаҳон кўрингай,  
Тупроғини севганларнинг қалби уммон кўрингай,  
Ватан деган ҳар кимсанг боши осмон кўрингай,  
Улуғ байроқ суваратида Ўзбекистон кўрингай!*

*Кўлдан-кўлга эмас, асли дилдан-дилга ўтгай у,  
Шараф билан, гурур билан тилдан-тилга ўтгай у,  
Шону шавкат рамзи бўлиб элдан-элга ўтгай у,  
Ўз байроғини кўтармоққа яраган эл ўлмагай,  
Улуғ йўлга чиққан қарвон ҳеч байроқсиз бўлмагай!*

*Қутлуғ байроқ остида биз бир халқ бўлиб тургаймиз,  
Юртнинг ори учун бир саф, бир аҳд бўлиб тургаймиз,  
Ўзбекистон деган буюк давлат бўлиб тургаймиз: —  
Ватан бирдир, эл ҳам бирдир, битта эрур байроқ ҳам! —  
Замондошим, байроғингни ўлгил, кўзларингга сурт,  
Байроқ билан юксалгайдир миллат, Ватан, она юрт!*

Сайёра САМАНДАР,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси,  
"Шуҳрат" медали соҳибаси.



ТАЖРИБА



## ХОРАЗМДА ҚОРА ГУРУЧ

Хитойдан олиб келинган янги шולי навидан  
мўл ҳосил олинди

Урганч туманида фаолият олиб бораётган "Хоразм нулли замин" фермер ҳўжалиги раҳбари Дилшодбек ҳамиша изланишда, ниманидир кашф этиши орузи билан ҳаракат қилади. Қандайдир янгилик яратишга интилади. У Хитой Халқ Республикасига хизмат сафарига борганида мазкур давлатда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қандай экинлар экилаётгани билан қизиқиб, соҳа вакиллари билан суҳбатлашди ва Хитойда етиштирилаётган қора гуручга алоҳида эътибор қаратди. Дилшодбек Норбоев хитойликлар билан мулоқотда "Ушбу гуруч уруғидан Хоразм вилоятига олиб бориб экса, воҳанинг иқлим шароитига тўғри келадими?" деб сўради.

Мезонлар унга, албатта, яхши ҳосил олиши ҳақида айтишди. Дилшодбек ушбу гуруч уруғларини ўзи билан бирга олиб келди ва экишга қарор қилди.

Натижа қутилганидек бўлди. Бир текис кўкарган шולי майсаларининг ўсшидан кўнгли тўлган Дилшодбек уларни янада яхшилаб парвартиришга киришиб кетди.

Ниҳоят, жўжани кузда санайдиган палла етиб келди. Гуруч барвақт пишиб етилди ва яхшигина ҳосил олинди.

Хўш, қора гуручнинг оқ гуручга нисбатан қандай афзаллиги ва шифобахшлик ҳусусиятлари бор?

— Қора гуручнинг ўзимиз истеъмол қилиб келган оқ гуручга нисбатан анча афзалликлари бор экан. Унинг таркибида оқсил ва антиоксидантларга бой моддалар бисёр экан. Шу жумладан, темир, цинк, мағний, В витамини мазкур гуруч таркибида жуда кўплиги ҳайратда қолдиради. Энг муҳими, мазкур озуқа бугунги кунда қон босимидан шикоят қиладиган инсонларга, айниқса, асқатади. Қора гуруч қон босимини меърада ушлаш билан бирга иммунитетни мустаҳкамлашда ҳам кучли таъсирга эга. Бундан ташқари, диабет ёки холестериндан азият чекадиган кишилар учун жуда шифобахшдир. Таъкидлаш жоизки, қора гуруч соғлом озуқа бўлганлиги боис Хитой, Япония ва Корея давлатларида ҳам севиб истеъмол қилинар экан.

Айни пайтда қора гуруч дунёдаги қимматбаҳо дон маҳсулотларидан бири сифатида қадрланиши бежиз эмас.

Дилшод Норбоевнинг ташаббуси билан қора гуруч айни пайтда тажриба сифатида экилган бўлса ҳам, келгусида воҳанинг иқтисодий жиҳатдан юксалишига улкан ҳисса қўшиши шўбҳасиз. Агар бу нав кенг миқёсда етиштирилаётган бўлса, Хоразм воҳасида экспорт қилинадиган харидордир маҳсулотлар сонини яна биттага кўпаяди ҳамда халқимиз фаровонлигига мустаҳкам замин яратлади.

Феруза ТАҒРИБЕРҒАНОВА

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Бу йил ёзда ҳовлимизда кичкина иморат солдик. Маблағ этадими-йўқми деб иккиланиб, Аллоҳга таваккал қилиб, тўкилиб турган уйимизни бузиб қуришни мақсад қилдик. Уйни бузиб солиш осон эмас экан, иши тушганлар билади буни. Инсофли, ғайратли ва фаҳмли уста топиш ишининг энг муҳим қисми саналади. Эртаю кеч осон ва енгил бўлишини сўраб Ўзига дуо қилдим, ўтиндим, топидим. Бузишдан қуришгача ишни зиммасига оладиган усталарни даракладик. Ҳар хили келди. Бола-чақасини уйлаб, уйдан ризқ излаб чиққан қорақўзларни кўриб эзилиб кетаман. Кўзлари ичига чўккан ҳорғин нигоҳлар, орзулари кўмилган мардлар. Эркақлар гаплашади, уйни кўрсатади, икки томон талабларини айтади, кузатаман. Аввалги йил уй қурган тажрибали акам "Нуридин устани чақиринлар" деб тайинлайди. Ниҳоят, Нуридин уста келди, қўлида иш бор экан, уйни кўрди: "Жуда тор жой экан, йўлак узун, ҳовли учбурчак, материални қўлда ташиймиз, анча қийин экан-да", дея иккиланди... "Маслаҳатлашай-чи", деб кетди. Кутдик. Ниҳоят, усналарни кўндрганини айтиди. Бунинг сабабини кейинроқ билдик.

томондан узунлиги 8 метр жойдан эни 1 метрга яқин ерни ўзиникига қўшиб ўлаштирилганлиги сабаб жойимиз қийишқлиги ҳам ойдинлашди. Қўшилларим — эр-хотин Мирзо Улуғбек туманининг кўзга кўринган қозиларидан экан. Улар: "Ҳеч нарса қила олмайсан, шаҳар ҳокимлигининг қарори бор", деди. "Кўрсата олмасизми?" десам, "Ҳозир топа олмадим, хотин қаергадир кўйган бўлса керак", деб каловланди. Прокурорнинг гапига ҳам

лардан илтимос қиламиз", деди. Қурилиш тугай депяпти, аммо рухсат ололмаймиз. Нақ уч ойга чўзилди бу жараён. Бир дунё ҳужжатларни сўрашди. Ёзилмаган қонунларга амал қилдириш сиёсати қурилиш идораларида сақланиб қолган экан. Ёнгин хавфсизлиги, СЭС идорасидан рухсат. Лойиҳачига берилиши керак миқдордаги пул ҳужжатларга кетиб қолди. Бошқа йўли йўқ, ўзимиз юклаган лойиҳага уч марта ҳам "отказ" олгандан кейин ноилож кўндик. Аванс талаб қилди, бердик. Бир дунё асбобни олиб келиб, ҳали у ерга қўяди, ҳали бу ерга қўяди, ус-

қурилишга рухсат олиб бериш ваколати борлиги учун ундан воз кеча олмаимиз ҳам. Усталар аниқ лойиҳани кистайди. Акам ва укам 30 йиллик тажрибали қурувчи бўлганлиги учун ўзимизча хомаки лойиҳа қилдик. Ниҳоят, 2-қаватга зина масаласи кўтарилди. Лойиҳачи меҳмонхонанинг тўридан зинага жой қолдирибди. Мен: "Келган-кетганлар 2-қаватга меҳмонларнинг олдидан тўшиб чиқади" деб сўрайман. Ундан ҳам ёмони, у ҳожатхонага ошхона орқали ўтадиган қилиб чизиб келибди. Мен: "Ойнам, бети жувиқсиз одам ошхонани босиб кириб

ёруғлик масаласида ҳам йигитлар жуда оригинал фикрлар берди, ҳамма хонам ёп-ёруғ. Охири лойиҳачига: "Чизмасан ҳам майли, фақат рухсат олиб берсанг бўлди", деб келишдик. У барибир пулини олди. Йигитлар қисинибгина айтаётган таклифлар жуда пишиқ эди. Улар уй қуриш илмидан яхшигина хабардор экан. Ёмғир ва шамол йўлини аниқлаш, қилбани доим ҳисобга олиш, ёруғлик манбаига тўғри боғлиқлиги, эшик ва деразалар орасидаги уйғунлик — барчаси халқона илм ва тажрибанинг ҳосиласи эди. Учбурчак жойдан мўъжазгина тўртбурчак уй

энди, ишдан қайтиб уйингга борсанг, кам-катикни қилсанг", дейишади. Ҳар куни телефонда гаплашишади.

Уларнинг орузига қизикдим. Пул топиш, уй қуриш, тўй қилиш... ичларим эзилиб кетади. Эй, шоир гапим, мен айта олмай қайналган гапларини бир зарбда айтган экансиз-ку...

**Математика дарсини Пахтазорда ўтганлар, Пуллик муаллимларга Пули бори кетганлар. Коллежларда бемурод Согурилган соатлар. Нерулини билмасдан Урганчдан одамлар...**

Мен энг катта ва ёруғ хонани кутубхона қилишни айтarkanман, очик кўнглил Азизбой (эркалаб шундай чақирдим): "Опа, китобларингиз кўп экан, маза қилади-да болаларингиз. Қани энди бизам шўйтиб ўқитсанг", деб орзуланади. Илоҳим, ниятингга етишин!

Овқат қилаётиб, уларнинг суҳбати қулоғимга чалинади. "Борайлик, тонгача карта уйнайман, ютқизсам ҳам майли, маза қилганим қолади", "Уйланма, қозқ борамиз", "Борганман қозқоқа ҳам", "Россияга борамиз", "Депортман"... Одамзоднинг мақоми, ўрни, маъқеи...

Энди чўзилган гапнинг индаллосига келсак... Бу йигитларнинг охи бизни урмайдими, уларнинг тақдирини учун жавобгарлик йўқми? Жавоби байдир... бўлар, албатта бўлади... Баҳайбат иморатлар қилаётган айрим нопок амалдор порахўрлар, халқ ҳақидан кўрқмаётган мансабдорлар, миллатни алдаётган кимсалар бу дунёда қутулиб кетар, аммо чин ҳақиқатдан қочиб қутула олмас... Шеръни болаларимга қўйиб эшиттирдим. Афсуски, нима учундир уларга бу шеръни айтиб бера олмадим... Ош ҳеч кимнинг бўғиздан ўтмади, кўзлар гилдиради...

**Ўқимаган болалар, Дардингизни айтдим мен. Ҳаётга қўйилмаган Шартингизни айтдим мен. "Ҳали уйлар соламуз, Ҳали тўйлар қиламуз. Билмаганлар билади, Эл қатори бўламуз!.."**

Саноабар ТўЛАГАНОВА,  
филология фанлари доктори,  
профессор.

# МЕН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УЙ ҚУРДИМ?

ёхуд бой берилган имкониятлар ҳақида ўйлар



кулгинг, ҳам йиғлагинг келади. Судлашиб-судрашиб юришга сабримизда етмади. Кўндик, шу пайтгача яшаган тор еримиз кенгайганда нима бўларди-ю, кенгаймаса сигмай қоламизми, деган таскинни уйлаб топиб, юландик. Борига итоат этиш миллий характери-миз-ку! Тегишли идораларга архитектор деган лицензияси бор мутахассис орқали лойиҳани тақдим этиш зарур экан. Устадан ҳам оғирроқ кенди бу масала. Уларнинг нархлари аввалдан "бичилган", жуда қиммат, ўзи чизадиган саводдиллари эса ҳовлининг уч бурчаклигини кўриб, эшитишни истамади. Янгича усулда чизадиғанларга яқинлашиб бўлмас экан. Хуллас, ўзимиз сингари фақиргина, "инсофли" лойиҳачини ҳам суриштириб топгандай бўлдик. "Чизиб, рухсатини олиб бераман, 500 доллар берасиз. Ҳали ҳам сизни аядим, бу район қиммат, оқа-

таларга халақит беришдан бошқа гап йўқ. Лойиҳачи йигит қиммат машинада келиб, у ёқдан бу ёққа ўтади, компьютерда чизилган чизмаларни кўрсатади. Тайёр чизмаларни сал ўзгартириб олиб келади, фойдасиз. Усталар аввал аралашмади: кузатади, ўрнини билади, гапини исроф қилмайди. Лойиҳачининг сўнги русумдаги ваҳимали машинасига қарайди. Булар қийналиб топган пулни у бир нафасда ўтириб топади.

Усталар... уларнинг имкониятини кимлардир хомталаш қилиб ташлади, ҳаққини адо қилиш кимнинг зиммасидаги иш?

Ҳовлимиз учбурчак шаклида бўлганлиги учун алоҳида ёндашувни талаб қиларди. Мен: "Ёруғликни ҳисобга олинг, ҳар бир хонага табиий нур керак", дея тинмай такоррайман. Лойиҳачидан тузуқроқ таклиф ололмадик.

чизадими? Ҳеч бир тузуқроқ нарса қилиб бера олмасизми?" десам, "Кенгайиб, бу хайтек пасон, ҳожатхонага киришининг бошқа йўли йўқ, тушунтади. Тайёр чизмаларни сал ўзгартириб олиб келади, фойдасиз. Усталар аввал аралашмади: кузатади, ўрнини билади, гапини исроф қилмайди. Лойиҳачининг сўнги русумдаги ваҳимали машинасига қарайди. Булар қийналиб топган пулни у бир нафасда ўтириб топади.

тушди. Кутубхонамнинг ярми террасага уланди. Уста зинани ҳар куни ўлчаб, деворга чизиб чиқади. Қарада бурилади, қаерда тўхтади — ҳаммаси майсиз-да", деди. Охири Акбар уста ёрилди. "Опа, нимасига пул берасизлар бунга? Бизлар тирноқлаб пул толаиб, бу киши фўддайиб 500 доллар олиб кетади, арзийдиган гапи йўқ", деб қолди. Бир қарасам, усталар кесақда ерга чизяпти. Баҳром ва Азизбой ҳам ниманидир чизяпти. Секин укамни туртиб: "Ановиларга қара-да", дедим. Ҳар бирининг пухта ва асосли гапи бор. Акбар: "Аслида, зина 15 см бўлиши керак, агар 17 см дан қилсанг, 22 та зина бўлади, шунда 2-қаватга йўлакдан тўғри кўтарилади ва ҳожатхонага зинанинг тагидан эшик очсак бўлади", деди. Ҳаммага жон кирди. Жуда зўр топилма эди. Кўздан пана жойдан фойдаланишининг зўр усули. Хонага

# БЎЛАЖАК ЖУРНАЛИСТЛАР “Жаслар ТВ”ДА АМАЛИЁТ ЎТАМОҚДА

— Бу лойиҳа талабаларга нафақат назарий билим беради, балки амалий тажриба тўплаб, журналистика соҳасида ўз касбини тўлиқ эгаллашга имконият яратди, — деди М.Темирбаева. — “Жаслар ТВ” телеканали билан ҳамкорлик талабаларга журналистика асосларини ўрганишга ёрдам беради. Албатта, лойиҳа асосида амалга оширилаётган тадбирлар, амалиёт дарслари ёш журналистларнинг мустақил фикрлаши ва профессионалликни оширишга хизмат қилади.

тахририят ташаббуси билан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда марказий ОАВ вакиллари, устоз журналистлар, ижодкорлар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.



Тақдимоти Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, сенатор Абдусайд Кўчимов олиб борди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, таниқли уламо Шайх Абдулазиз Мансур, устоз журналист Жаббор Раззоқов, “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари бош муҳаррири, сенатор Хусан Эрматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Эркин Малик, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Феруза Жалилова, Феруза Муҳаммаджанова ва бошқа зиёлилар “Тонг юлдузи” газетаси жамоаси томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этилган “Болалик кунларимда...” китоби мазмун-моҳияти хусусида сўз юритдилар.

Таъкидланганидек, “Болалик кунларимда...” китоби орқали ўқувчи мустақил юртимиз — Янги Ўзбекистонимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган илм-фан фидойилари, мамлакатимиздаги таниқли ижодкорлар, устоз-мураббийлар, журналистлар, шунингдек, эл ардоғидаги санъаткорларнинг болалик хотиралари, ўқувчилик давридаги қизиқarli воқеалар билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Кайд этиш жоиз, “Тонг юлдузи” газетаси саҳифаларидан ўрин олаётган рунлар орасида “Болалик кунларимда...” рунки нашр муштарийлари орасида анча оммалашган. Ушбу рун орқали ҳар бир қаҳрамоннинг болалик хотиралари, ҳаёт йўлидаги синовлар ва уларни енгишдаги матонат ўқувчилар учун ибрат намунаси бўлмоқда.

## “ҲАММАНИ ЭСЛАБ...”

Тошкент Фотосуратлар уйда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган “Ҳаммани эслаб” номли фотокўргазма очилди.



Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва “Ўзбекистон-Корея” дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов ҳам сўз олиб, мамлакатимизда миллий журналистикани ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани, ана шу ишлар доирасида фотожурналистика йўналиши раванқи йўлида ҳам муайян ишлар бажарилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

## НАШР

Болалигимдан акаларимга қўшилиб, катталарнинг китобларини ўқирдим. 4-синфдалигимда синфдошларим болалар нашрларига обуна бўлса, мен “Фан ва турмуш” ва “Гулистон”га обуна бўлганман. Бошқа газета ва журналларга қолган оила аъзоларимиз обуна бўлгани сабаб ҳар кун кучоқ-кучоқ газета ва журналлар олардик. Алмашиб ўқирдик... Менинг журналларим келган кунлар байрам эди. Ҳозир эсласам, ҳайрон қоламан, синфда зўғра учга ўқийдиган болалар ҳам газета, журнал ўқирди, фикр алмашарди.



# “ГУЛИСТОН” — ТИЛЛА САНДИҚ ЭКАН...

Журналимизнинг юз йиллиги муносабати билан “Гулистон”нинг “Ер юзи” бўлиб чиқа бошлаганидан бери бугунги кунгача архивини титқилаб, ўқиб чиқдим. Олис ёшлигимда ўқиган баъзи ҳикоялар, деярли унуту бошлаган мақолалар хотирамда қайта буй кўрсатди. Яхшиям юз йилликка тадорик бошлангани, деб хурсанд бўлдим. Эҳҳе, “Гулистон” — тилла сандиқ экан. Илк шерълари, илк ҳикоялари чиққан улугларимизга пиллапоа бўлган журнал бисотини ҳали кўп ўргансам керак.

Тақдир тақозоси билан мен “Гулистон” журнаliga 2002 йил январь ойида амалиётга келдим. Уша пайтдаги бош муҳаррир Тилаб Маҳмудовнинг хузурига мени шоир Аскар Маҳкам олиб кирди. Тилаб ака “масъул котиб Маъпура Набиева амалиёт раҳбарингиз бўлади”, деб кўрсатма берди. Маъпура опанинг хонасида файласуф олим, бўлим муҳаррири бўлиб ишлаган Маҳкам Маҳмуд бор экан. Маъпура опа менга тахрир қилинган бир жил мақолаларни бериб, тахрири ўрганиб туришимни тайинлади. Маҳкам ака эса “Аргументы и факты” газетасидан бир материални ўзбекчага ўгириб келишимни тайинлади. “Ҳар кун келишимиз шарт эмас, шу сизга топширик, ўн кунда таржмани етказасиз”, деди. Амалиётча бундан ортиқ мукофот борми? Уйга — Самарқандга кетдим. Бир ҳафтадан кейин таржимани Маҳкам акага олиб борсам, ҳамма безовта, шивир-шивир. Янги бош муҳаррир келибди.

Хафа бўлиб кетдим. Менга Тилаб Маҳмудовнинг муомаласи ёққан, мен билан худди ҳамкасбидай гаплашган эди. Азим Суюн деган шоир “Ўзбекистон овози” газетасидан “Гулистон”га раҳбар бўлиб келибди.

Таржимани секин Маҳкам акага топшириб чиқаётсам, гулдурган овоз келди. Эшикдан Азим Суюн кириб келди ва Маҳкам ака, Маъпура опага озланиб, “Хоналарингиздан жой берасизлар, бизга ажратилган хона сал таъмирталаб экан...” деди. Мен хайралиб чиқиб кетмоқчи эдим, у киши “Сиз ҳам шу хонада ўтирасизми?” деди. Ўрнимга Маъпура опа жавоб берди: “Амалиётча келган”. “Ўтиринг”. Утирдим.

Энди мен амалиётга ҳар кун бораман. Шоирдан кўрқа-писа бир четда Маъпура опа берган йиғма жилдани очиб ўқиб ўтираман. Уша таржимани Маҳкам Маҳмуд бош муҳаррирга берди. Азим ака мактади. Сезиб турибман, Маҳкам ака тахрир қилган. Хуллас, ўша кичик таржимам Азим Суюн муҳаррирлигидаги илк сонча чоп этилди.

Тилаб Маҳмудов кетгач, кўпчилик ходимлар бўшаб кетди. Азим Суюн ходимлар ўрнини тўлдириш учун бир қатор шоирларини, шу билан бирга мени ҳам ишга олди. Маъпура опа кейинча-

лик айтиб берганди: “Анови ерга қараб юрадиган қизни шоғирдикка олинг, ярим ставка ишлаб турсин”, деган экан Азим ака. Азим Суюн билан ўн йил бирга ишладик. Синглим, деб гап бошларди бирор вазифа айтмоқчи бўлсалар.

Хулласи қалом, шундан бери “Гулистон”даман. Бугун фахр билан айта оламани, журналимиз пешонаси ярқираган экан. Қанча бош муҳаррир алмашди, ходимлар келди. Бирорта ёмон одам кўрмадим. Ҳар бир бош муҳаррирнинг услуби, йўналиши бўлади. Ўрганди, пишиқ, ҳамон ўрганяпмиз. Адабиётшунос Жалолбек Йўлдошбеков сўзга хасилиқни сингирди. Мақолага кириш гап қилишни ёқтирмади. Бошланганимд мақсад аниқ бўлсин, дерди. Жамоага аҳиллик олиб кирди. Шоир Минҳожиддин Мирзо бош муҳаррирлиги даврида анча ижобий ўзгаришлар бўлди. Катта адабиёт ва санъат даргалари билан ўша даврда яқиндан танишдим. Темур Аъзам билан кам вақт ишлаган бўлсақ-да, у тадбири, ташкилотчи журналист эканини кўрсатди.

Шу ўринда ҳозир ҳам эсласам, тўлқинлиниб кетадиган бир гапни айтиб ўтишни жоиз кўрдим. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ҳаётли чоғида журналимиз учун шеръ сўраганимда уларига таклиф қилганди. Ушанда боргунимча янги шеръларини алоҳида кўчириб ўтирган эканлар. Кўлёманинг бир четига “Манзурага. “Гулистон” деганда сизни эслайман”, деб ёзиб қўйган эканлар. Шоира менга катта баҳо берганидан учиб юрганман ўша кезлар.

Ҳалима опа ижодий учрашуларда шоира қизлардан, шоғирдларидан фаолиятни, қатъда ишлаётгани ҳақида кўп сўрадилар. Менга келгач: “Гулистон”дамисиз? Ўзгартирманг ишингизни”, деб кўярдилар.

Бугун ўтган йилларга назар ташлаб, тарихни ўрганиб, “Гулистон” катта мактаб экан, деган хулосага келдим. Иброҳим Раҳим мактаби, Асқад Мухтор мактаби, Мирмуҳсин мактаби... Ҳатто бу ерда ходим бўлиб ишлаган ёзувчилар, журналистлар мактаби ҳам шаклланган. Маҳмуд Саъдий мактаби, Эркин Аъзам мактаби, Хайриддин Султон мактаби, Абдулла Шер мактаби... Бугунги кунда ардоқли устозимиз Маматқул Ҳазратқулов мактаби ҳақида эълам, алоҳида мақола бўлади. Зеро, Маматқул муаллимнинг “Гулистон” — ўзи бир тарих.

“Гулистон” — менга энг кўп сабоқ берган мактаб. Бу мактабнинг ўқувчиси бўлиб ўрганиб бораётганимдан, устозларимдан бир уйр миннатдорман. “Гулистон”нинг бир асрлик йўлида йигирма эч йил меҳнатим, насибам қўшилганидан хурсандман.

Манзура ШАМС

# УЮШМА РАҲБАРИ “S- IQVOL” ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИДА



Ўтган ҳафта Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Хоразми ва Бухоро вилоятлари бўлимларида янгиликлар ҳафталиги бўлди. Гап шундаки, юқорида айтиб ўтилган икки ҳудуддаги уюшма бўлимлари янги раислар сайланди. Ушбу вилоятларда бўлган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раҳбари Холмурод Салимов сафар доирасида Урганч шаҳридаги “S- IQVOL” хусусий телерадиокомпанияси фаолияти билан яқиндан танишди.

“S- IQVOL” худудларда жадал фаолият юритаётган етакчи телерадиокомпаниялардан бири. Сўнги русумдаги замонавий телевизион усуналар билан жиҳозланган. Тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришларнинг сифат самарадорлигига эришилаётганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда мустақил ОАВлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш борасида мустақам қонунчилик базаси яратилган. Бу имкониятлардан “S- IQVOL” хусусий телерадиокомпанияси ҳам самарали фойдаланилмоқда. Натигада телерадиокомпания суткасига 18 соат давомида кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатишга муваффақ бўляпти.

Уюшма раҳбари ижодий сафари мобайнида жамоа билан яқиндан танишди, ходимларнинг таклиф ва мулоҳазаларини тинглади.

## “БОЛАЛИК КУНЛАРИМДА...”

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Тонг юлдузи” газетаси томонидан нашр этилган “Болалик кунларимда...” китобининг тақдими ўтказилди. Ушбу

## МУТОЛАА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Шуҳрат” медали соҳиби, Халқ таълими аълоҳиси, ҳақоратим Абдунаби Ҳайдаровни ёшлигидан танийман. Пойтахтда яшаб ижод қилса-да, унинг чиққиларини мунтазам кузатиб бораман. Шу кунларда кутлуг ёшини қарши олаётган ижодкор дўстимиз узок йиллар “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маърифат”, “Тошкент ҳақиқати” каби республика етакчи нашрларида фидокорона меҳнат қилди. Ҳозирги пайтда “Ишонч” газетаси тахририятида фаолият кўрсатмоқда.

Абдунаби таниқли журналист, моҳир публицист бўлиш билан бирга бадиий ижод соҳасида ҳам самарали қалам тебратиб келмоқда. Унинг ижод намуналари мамлакат газети ва журналларида мунтазам чоп этиб борилмоқда. Уларнинг айримлари “Садоқат”, “Сўнмас юлдузлар”, “2021...”, “Нигоҳ”, “Бир сўз”, “Еттинчи китоб” тўпламларидан ўрин олган.

Маҳоратли журналист яқинда хайрли ишга қўл урди: ўз ижод намуналарини тўплаб, “Қўш устунимнинг бири” номи билан “Янги китоб” нашриётида чоп эттирди. Унда меҳр-муҳаббатли, садоқатли онажонларимизга бағишланган “Қўш устунимнинг бири” қиссаси, ҳаётий ҳикоялар, Ватан озодлиги ва тараққиёт йўлида курашган юрт ўғлонлари ҳақидаги публицистик асарлар, журналистика хангомалари жой олган. Шунингдек, машҳур олим ва уламолар, ажабтовур воқеалар ва оламшумул ихтироларга бағишланган, бошқа тиллардаги ёзма манбалар асосида тайёрланган мақолалар билан бойитилган.

Қарийб 600 саҳифани ташкил этган китоб сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори Лазиз Раҳматовнинг сўзбоҳиси билан бошланади ва унда Абдунаби Ҳайдаров ижодига, унинг ушбу тўпламга киритилган асарларига ҳолисона баҳо берилди. Муаллиф ижод бустонида юксалаётган муаззам чинорга қиёсланади.

Тўпламдаги “Қўш устунимнинг бири” қиссаси ва ҳаётий ҳикояларни ўқир экансиз, ўзингизни худди таниқли адиб Ўткир Ҳошимов асарларини мутлола қилаётгандек ҳис қиласиз. Улардаги ташбеҳлар, ўхшатишлар, воқеаларнинг табиат ўзгаришлари ва қаҳрамонлар ички кечинмалари билан уйғун ҳолатда тасвирланиши китобхонда унутилмас таассуротлар қолдиради. Жумладан, қиссада жон таслим

қилган онанинг ҳолати ҳақида шундай таъсирчан жумлалар мавжуд: “...Онамнинг тез ва осон жон берганлигига ишонмадик, ишонолмадик. Қизиги, унинг руҳи жисмини тарк этган бўлса-да, ранг-рўйи худди бамайилхотир мизгитган одамникидек хотиржам ва тиниқ эди. Юзида деразадан мўралаётган қуёш акси товланарди...”

Йўқ, адашдим, шекилли, бу биз билган-кўрган онанинг ҳолати ҳақида шундай таъсирчан жумлалар мавжуд:

“...Онамнинг тез ва осон жон берганлигига ишонмадик, ишонолмадик. Қизиги, унинг руҳи жисмини тарк этган бўлса-да, ранг-рўйи худди бамайилхотир мизгитган одамникидек хотиржам ва тиниқ эди. Юзида деразадан мўралаётган қуёш акси товланарди...”

Йўқ, адашдим, шекилли, бу биз билган-кўрган онанинг ҳолати ҳақида шундай таъсирчан жумлалар мавжуд:

“...Онамнинг тез ва осон жон берганлигига ишонмадик, ишонолмадик. Қизиги, унинг руҳи жисмини тарк этган бўлса-да, ранг-рўйи худди бамайилхотир мизгитган одамникидек хотиржам ва тиниқ эди. Юзида деразадан мўралаётган қуёш акси товланарди...”

Йўқ, адашдим, шекилли, бу биз билган-кўрган онанинг ҳолати ҳақида шундай таъсирчан жумлалар мавжуд:

“...Онамнинг тез ва осон жон берганлигига ишонмадик, ишонолмадик. Қизиги, унинг руҳи жисмини тарк этган бўлса-да, ранг-рўйи худди бамайилхотир мизгитган одамникидек хотиржам ва тиниқ эди. Юзида деразадан мўралаётган қуёш акси товланарди...”

Йўқ, адашдим, шекилли, бу биз билган-кўрган онанинг ҳолати ҳақида шундай таъсирчан жумлалар мавжуд:

борлиқ сингари онанинг қабри ҳам оқ чойшаба бурканди. Гўристон ҳар қачонгидан-да огирроқ сукутга чўмди...”

Қиссада муаллифининг онаси ҳаётлигида қандай инсон бўлганлиги шундай бир маҳорат билан тасвирланадики, кўз ўнгимизда муштипар ва мунис ўзбек аёллари тимсоли ёрқин намоев бўлади. Беихтиёр ўз меҳрибон волидамизни ёдга оламиз. Оналаримизга хос са-

қилган онанинг ҳолати ҳақида шундай таъсирчан жумлалар мавжуд:

“...Онамнинг тез ва осон жон берганлигига ишонмадик, ишонолмадик. Қизиги, унинг руҳи жисмини тарк этган бўлса-да, ранг-рўйи худди бамайилхотир мизгитган одамникидек хотиржам ва тиниқ эди. Юзида деразадан мўралаётган қуёш акси товланарди...”

Йўқ, адашдим, шекилли, бу биз билган-кўрган онанинг ҳолати ҳақида шундай таъсирчан жумлалар мавжуд:

“...Онамнинг тез ва осон жон берганлигига ишонмадик, ишонолмадик. Қизиги, унинг руҳи жисмини тарк этган бўлса-да, ранг-рўйи худди бамайилхотир мизгитган одамникидек хотиржам ва тиниқ эди. Юзида деразадан мўралаётган қуёш акси товланарди...”

Йўқ, адашдим, шекилли, бу биз билган-кўрган онанинг ҳолати ҳақида шундай таъсирчан жумлалар мавжуд:

Йўқ, адашдим, шекилли, бу биз билган-кўрган онанинг ҳолати ҳақида шундай таъсирчан жумлалар мавжуд:

ёмонликлар, холислигу адолатсизликлар, зукколигу билимсизликлар кўз олдимиздан ўтиб, хулоса чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Мутлола қилар эканман китобни, очиги, муаллифининг “Журналистик хангомалар”и билан танишиб, ўзимни бу хангомаларнинг ичида бўлгандек ҳис қилдим. Чунки ҳамкасбаримнинг ҳаёти, газетачиликнинг ташвишу қувончлари мен учун ҳам бегона эмас. Қолаверса,

ёмонликлар, холислигу адолатсизликлар, зукколигу билимсизликлар кўз олдимиздан ўтиб, хулоса чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Мутлола қилар эканман китобни, очиги, муаллифининг “Журналистик хангомалар”и билан танишиб, ўзимни бу хангомаларнинг ичида бўлгандек ҳис қилдим. Чунки ҳамкасбаримнинг ҳаёти, газетачиликнинг ташвишу қувончлари мен учун ҳам бегона эмас. Қолаверса,

ёмонликлар, холислигу адолатсизликлар, зукколигу билимсизликлар кўз олдимиздан ўтиб, хулоса чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Мутлола қилар эканман китобни, очиги, муаллифининг “Журналистик хангомалар”и билан танишиб, ўзимни бу хангомаларнинг ичида бўлгандек ҳис қилдим. Чунки ҳамкасбаримнинг ҳаёти, газетачиликнинг ташвишу қувончлари мен учун ҳам бегона эмас. Қолаверса,

ёмонликлар, холислигу адолатсизликлар, зукколигу билимсизликлар кўз олдимиздан ўтиб, хулоса чиқаришга ҳаракат қиламиз.

ёмонликлар, холислигу адолатсизликлар, зукколигу билимсизликлар кўз олдимиздан ўтиб, хулоса чиқаришга ҳаракат қиламиз.

бошини сарак-сарак қимирлатар, адашмасам, ичини нимадир тимдалар, кекса ҳайдовчи эса унинг пешонасидан оқаётган қонни артиш билан овора эди...”

“Муюлишда” деб номланган ҳикояда қатъиятли, ҳақпарвар ҳайдовчи ва пивнасти эркак образлари ҳам шундай қиёсланади. Бундай усулдан “Салом дўстим!.. Хайр ‘дўстим!..”, “Керакли ‘точка’ хангомаларида ва бошқа ўринларда унумли фойдаланилган.

Таъкидлаш жоизки, муаллифининг эссе, очерк ва лавҳалари ҳам жуда таъсирчан. Масалан, “Таъзим” очеркни олиб кўрайлик. Унда Далварзин чўлида чирой очган Аҳадвул кишлоғида яшаган, Иккинчи жаҳон урушида икки қўли ва икки оёғидан ажралган Холтура Қурбонова ҳаёт учун курашда толмас қанот бўлган рафиқаси Тожихон опанинг мислсиз матонати, олийжаноб севгиси юксак маҳорат билан тасвирланади. Ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайди-ган меҳр-муҳаббат туйғулари, аҳду паймонга чексиз садоқат тимсоллари моҳирона баён этилади. Ҳаракатлари чекланган ногирон турмуш ўртоғини боласидек қўлида кўтариб ардоқлаган, оқ ювиб, оқ тараган ва аёлнинг “Улимидан олдин эримнинг розилигини сўрай олмадим” дея афсусланиши ўз аёллик бурчига садоқати ва туганмас меҳр-оқибати ифодасидир.

Ижодкорнинг машҳур файласуф Сукрот, буюк мутафаккир Абдуқосим Фирдавсий, француз халқининг миллий қаҳрамони Жанна д’Арк, шведиялик машҳур кимёгар ва муҳандис Альфред Нобель, кимё фанининг отаси номини олган Дмитрий Менделеевлар ҳақида хоржий манбалар асосида тайёрлаган мақолалари ҳам китобхонда катта қизиқиш уйғотади. Уларнинг ҳаёт йўли, кашфиётлари, жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссалари ишонарли далиллар асосида очиб кўрсатилади. Ушбу китобнинг “Олис ва яқин мозиёдан садолар”, “Тиббиёт тарихига бир назар”, “Сир-синоатга бой дунё” бобларидан ўрин олган мақолалар ўқишлилиги, қимматли маълумотларга эғлиги билан ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Хуллас, таниқли журналист, маҳоратли қаламкаш Абдунаби Ҳайдаровнинг бу янги тўпламини қўлига олган китобхон, албатта, уни охиригача ўқиб чиқади, кетган вақтига ачинмайди, балки ўз онини янги таассуротлар ва хулосалар билан бойлатади. Ушбу чиройли китобга битилган сўзбоҳида айтилгандай, кенг қамровли ушбу тўплам маънавий ҳазинамиздан муносиб жой эгаллаб, ёш ижодкорлар ва албатта, профессионал журналистлар учун қимматли манба вазифасини ўтайди.

Каримқул МАВЛОНОВ, фҳрий журналист.

# ИНСОНИЙ ТҮЙҒУЛАР ТАРАННУМИ



МУЛОҲАЗА

# БИРОВНИНГ ҲАҚИ

## ёки ҳаром луқманинг жавоби оғир бўлади

Болалигимизда раҳматли отам доим бир гапни қулоғимизга қуйишдан чарчамасди. “Бировнинг ҳақини емагин, болам, оғир гуноҳ бўлади...” Йиллар ўтиб, ҳаётнинг пасту баландликларини кўргандан сўнг, шундай одамларга дуч келдимки, улар бировларнинг ҳақини емас туролмас, бу — уларнинг оддий ҳаёт тарзига айланиб қолган эди...

**Биринчи ҳолат.** Қишлоғимизда Одил деган йигит бўларди. У анчайин чақрон, муомалали, элчил, рус тилини чала-чулла биларди. У бундан 20 йил муқаддам ёш йигитларни маълум ҳақ эвазига Россияга олиб бориб ишлатадиган бўлди. Аввалига мардикорлар ишлаб топадиган пулнинг 5 дан бирини оладиган Одил бора-бора нақ ярмига кўз тикадиган одат чиқарди. Бу ҳам етмагандай, айрим сал бўшангроқ йигитларнинг иш ҳақини мутлақо бермай қўйди. Бир куни шундай мардикорлар Одилнинг дарвозаси олдида жанжал кўтарганини кўрдим. Улар ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақини талаб қилишарди. Охири, натижа чиқмагач, Одилни қарашди. “Илоё, бу пуллар сенга бюрмасин!” Орадан кўп вақт ўтмасдан Одил инсульта учраб, тили, оёқ-қўли ишаламай қолди. 2 ойдан сўнг эса бандаликни бажо келтирди. Яқинларининг айтишича, у ўлимидан олдин гапиролмай, фақат йиғлаган экан...

**Иккинчи ҳолат.** Тижорат билан шуғулланадиган ишбилармон ота ўғли Анварни ёшлигиданок тўкин ҳаётга қараб қадам ташлашга ўргатди. “Ҳамма вақт пули кўп, чўнтаги бақувват одам яхши яшаган, ҳурмат-эътиборда бўлган. Қандай топишнинг аҳамияти йўқ, кўпроқ пул топишни ўрган, болам”, деб доим қулоғига қўйди. Катта пул эвазига Анварни олий маълумотли қилди. Олис тоқ қишлоқларидан бирида ички ишлар ходими сифатида иш бошлаган ўғил кўп ўтмай бир бечоранинг пулини рожа сифатида олаётганида қўлга тушиб, узок муддатга қамалиб кетди.

**Учинчи ҳолат.** Бундан қарийб ярим аср илгари қишлоғимизда Эшонқул бобо деган оқсоқол бўларди. Бир умр тракторчилик қилиб, жужабирдай боласини ҳалол меҳнат билан боққан бобо кексайганида ҳам томорқасида ишларди. Бир куни у киши томорқада кетмон чапаётиб, тасодифан ўсиб чиққан 2 тул кўкнори (наша)га қўзи тушади. Кампирининг “чо-пиб ташланг” деганига қарамасдан, “Тумовлаб қолсам дори бўлар”, деб уни парвартири қилади. Буни қарангли, кўкнори гуллаган пайти ҳовлига бир юмуш билан Олим деган участка инспектори кириб қолади ва гуллаб турган кўкнорига қўзи тушади. Тушунтириш, ҳай-ҳайлашга қарамай, кўкнори етиштириш оғир жиноят эканлигини айтиб, “участковой” оқсоқолга дўқ ура бошлайди. Бечора бобо нима қилишни билмайди. “Участковойга берай деса, пули камроқ. Охири оғилда каттақон кўчқор боқётгани эсига тушиб, инспекторни шу ёққа бошлайди. “Болам, қаранганда шарманда қилма, мана шу кўчқорни олақол, розиман, шу гап шу ерда қолсин”, дейди. Олим номига бироз қаршилик қилиб, кейин рози бўлади. “Майли, олоққоқ солингиз ҳурмати, гуноҳингизни кечирдим. Аммо бировга айтиб юрманг!” Шундай қилиб 2 донга кўкнори Эшонқул бобога битта қўйга тушади. “Уша қўйни сотиб, болаларимга кийим-бош олиб бермоқчи эдим”, деганди бобо ўшанда.

Энди ўша мисоллар атрофида бир мулоҳаза қилиб кўрайлик.

### Қармоққа илинаётган “лаққа”лар

Умуман олганда, сўнгги пайтларда пора билан қўлга тушаётган амалдорлар сони кескин кўпайди. Ижтимоий тармоқларда эълон қилинди, яқинда Андижонда, Жалақудда ижтимоий дафтарларда рўйхатда турадиган хотин-қизлар учун ажратилган қарийб 250 миллион сўм маблағни иккита амалдор тил бириктириб “туя” қилишибди.

Бундан бироз аввалроқ эса Наманган шаҳар ҳокими катта микродордаги пора билан қўлга тушганлиги хабар қилинганди.

“Кип.uz” нашри яқинда эълон қилган яна бир хабарда эса водий туманларининг бирида ички ишлар қодимлари хусусий ошонада очикчасига тамагирилик қилаётгани айтилади.

Бундай далилларни истаганга келтириш мумкин. Уларни давом эттирадиган бўлсак, мақоламиз фақат мисоллар билан тўлиб қолади.

Эътиборлиси шундаки, тамагирилар учун қўйилган тузоққа илгари кичик “балиқчалар” тушаётган бўлса, эндиликда



бу қопқонга бироз каттароқ “лаққалар” ҳам туша бошлади. Аммо, бизнингч, ҳали улкан “наҳанг”лар бемалол ялло қилиб юришибди.

Хўш, нимага сўнгги пайтларда порахўрлик, тамагирилик анчагина кен тарқалиб кетди? Бу иллат мамлакатда шу даражада кўпайдики, натижада ҳукумат даражасида чоралар кўрилишига олиб келди. Хўш, бунинг илдирилари қаерда ўзи? Нега биз кўпчилик иллатнинг илдирига қарши эмас, ҳосилига, яъни оқибатга қарши курашамиз?

### “Қуш уясида кўрганини қилади”

Менимча, жамиятдаги деярли барча иллатларнинг илдизини, аввало, собиқ шўролар давридан, оиладан, қолаверса, мактабдан излаш керак, шеклилли. Ахир халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган доно нақл бежиз айтилмаган.

Илгари қўшнисининг ҳовлисида ўсган мевали дарахт шохи девордан ошиб бу томонга ўтиб кетса, ўша шохнинг мевасини териб олиб, албатта, қўшнисига қайтаришарди. Чунки кексалар хамиша “Бировнинг ҳақини ейиш ҳаром бўлади, болам, ҳеч бўлмаса унинг розилигини олиш керак”, деб қайта-қайта тайинлашарди.

Уша кексалар ҳамда отам раҳматлининг “Бировнинг ҳақини ейиш ҳаром бўлади, болам” деган гапи бизга бир умрга сабоқ бўлган.

Демак, қайси оилада катталар ҳалоллик, тўғрилиққа риоя қилса, ўша ерда болалар ҳам шу руҳда тарбия олиши аниқ.

Аммо, минг афсуски, ҳозирда аксарият оилаларда тескариси бўляпти. “Нима бўлса ҳам, қандай қилиб бўлса ҳам кўпроқ пул топиш керак, кимнинг пули кўп бўлса, замон ушаники” деб баъзи ота-оналар болаларнинг қулоғига қўйишяпти.

Чунки бу ота-оналарнинг кўпчилиги шўролар давридаги тамагирилик, бировнинг ҳақи эвазига бойлик орттириш каби ҳолатларни кўриб, ўша руҳда тарбия олганлар. Оилада бундай маслаҳат олган бола эса мактабда ҳам ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, мешчан ва лоқайд кимса бўлиб воёга етаяпти.

Қишлоқдошларининг иш ҳақини уриб қолган Одил ёки икки тул кўкнори учун уялмай-нетмай битта қўйни кўтариб кетган инспекторни олинг. Бечора Эшонқул бобо бу қўйни бола-чақасининг ризиқидан қийиб, ҳалол меҳнат билан топган пулига олган эди...

Бундай ҳолатларни кўрган ёки эшитганимда негадир кўз олдимга отасининг эркатойи Анвар, инсульта учраган қаллоб Одил келавереди...

### “Мактабга бориб турсинчи, у ёғи бир гап бўлар...”

Таниқли адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошевнинг фикрича, ҳозир мактабда ўқитган ўқувчиларнинг аксарияти нимага ўқитганини ўзлари ҳам билишмайди. Аниқ бир мақсади йўқ.

Мен, балки олим нотўғри айтгандир, деган ҳаёл билан Пайрағи туманидаги олис қишлоқ мактабларининг ўқувчилари билан суҳбатлашдим. Афсуски, Қозоқбой ака ҳақ бўлиб қикди. “Нимага ўқиясизлар?” деган саволимга улар “ўқиш мажбурийлиги учун”, “келажакда яхши пул топиш учун” деб жавоб беришди.

Ўқувчилар-ку савиясизроқ экан. Баъзи ота-оналарнинг жавоблари эса янаям ошиб тушди. Мана, улардан айримларининг гаплари: “Нимага ўқирди, бола мактабга бормаса, ота-онасига жарима солишяпти-ку, мажбурийм юборишга... Бориб турсинчи, у ёғи бир гап бўлар...”

Ҳозир ҳокимликлар, ҳарбийлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, молия-иқтисодиёт соҳалари ходимларининг иш ҳақи бошқаларникига нисбатан анча баландлиги, қўшимча даромади борлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан ҳам, мактабни битираётган ёшларнинг кўпчилиги шу соҳаларда ишлашни орзу қилишади.

Аммо бунинг учун чуқур билим, пухта тайёргарлик талаб қилинади. Афсуски, мактабни битираётган ёшларда бу жиҳатлар анча оқсаб қоляпти. Натижада улар ё релетиторга борапти ёки пул топишнинг бошқа йўллари излашга тушяпти...

### “Бу йўлнинг охири вой...”

Самарқанднинг Регистон майдони ёнида бир кичик тор кўча бор. Бу кўчадаги мўъжаз, кўримсизгина ҳовли ва дарвозани жуда кўпчилик яхши билади.

Бу ҳовлида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, фан арбоби, филология фанлари доктори, СамДУ профессори Ботирхон Валихўжаев яшаб ижод қилади.

Камина вилоят телевидениесига ишлаб юрган кезларим, ўтган асрнинг охирида домла билан жуда кўп марта учрашиб, суҳбат қилганман. Устоз шундай хокисор, ҳалол, камтарин эдики, одми кийим, эскирок папка кўтариб уйдан то университетгача пиёда борарди. Йўлда шоғирдлари машинага таклиф қилишса, уларни рад қиларди.

Бир куни мен у кишидан бунинг сабабини сўрадим. Устоз шундай деганди: “Мен бу йўлдан қандай қилиб машинада ўтай? Регистонда ҳазрат Навоийнинг излари бор, ундан сал нарида буюк Соҳибқирон, Мирзо Улуғбек ётибди. Уларнинг ёнидан машинада гизиллаб ўтиш бу буюкларга беҳурматлик қилишдай туялавереди менга...”

Устоз ашайдиган 6 хонали уйнинг тенг ярми кутубхона эди. Хоналар анчайин таъмирталаб ҳолда эди. Ҳеч ким бу уйда академик, фан арбоби яшайди деб ўйламасди. Буларнинг барчаси домла умри давомида фақат ҳалол ва камтарона ашаганлигидан далолат бериб турарди.

Академик Б.Валихўжаев билан қилган суҳбатларимнинг бирида баъзи олий ўқув юртидаги тамагирилик, порахўрлик ҳақида гап кетди. Шунда устоз: “Тўғри, бундай кимсалар орамизда бор. Аммо бир ҳақиқатни унутмаслик керак. Улар ими-жимиде олаётган пуллар бировнинг ҳақи. У одам тер тўкиб меҳнат қилиб топган бу маблағи. Бировнинг ҳақини ейиш эса ёмон бўлади. Бир куни албатта тешиб чиқади. Чунки Яратган ҳаммасини кўриб турибди. Умуман, ҳаром луқманинг чегараси йўқ. Фақат тиёлмаган баъзи одамлар шайтоннинг йўлидан юрадидилар. Бу йўлнинг охири эса вой...” дегандилар.

### Бўлар экан-ку...

Дарвоқе, яқинда Самарқанд вилоятининг олис Қўшработ ва Пайрағи туманларида ўқувчилар билан ишлаш бора-сида бир хайрли ишга кўл урилди.

Жумладан, Қўшработ туман прокуратураси терговчилари Абдусулмон Жумаев

ҳамда Отабек Абжалов туман Мактаб ва мактабгача таълим бўлими билан ҳамкорликда 4- ва 38-умумий ўрта таълим мактабларида “Ҳалоллик ва тўғрилиқ инсоннинг олий фазилатлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда ҳалоллик виждон билан боғлиқлиги, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш меъёрларига асосланиши ҳамда ҳалоллик ва тўғрилиқ одамларнинг бир-бирига бўлган ишончининг асоси эканлиги, тамагирилик эса ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келиши ҳақида мисоллар билан сўз юритилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Қўшработ туман бўлими, Дин ишлари бўйича кўмитанинг тумандаги вакили ҳамкорлигида эса 11-умумтаълим мактабда “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир давомида миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан ёндашиш, қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларга эга, миллий менталитетимизга ёт, зарарли таъсирларга қарши туришга қодир ёшларни тарбиялаш муҳимлиги, шунингдек, интернет тармоғи орқали тарқатилган маълумотлар, одоб-ахлоқни емирвучи иллатлар нафақат ёшларга, балки катта ёшдаги фуқароларга ҳам таъсир кўрсатаётганини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб ўтилди.

Пайрағи туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Ўқтам Хўжамқулов эса тумандаги 72-умумий ўрта таълим мактабда бўлиб, 8-синф ўқувчиларига “Келажак соати” дарсини ўтди.

Мазкур дарсада у киши ўқувчилар билан самимий суҳбат қўриб, ёшларни ватанпарварлик, келим олишга интилиш ва келажакда касб танлашда тўғри йўл билан ёндашишга ундади. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган илоҳотлар, таълим соҳасидаги ютуқлар, ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлар ва уларнинг ҳаётдаги ўрни ҳақида тушунчалар берди.

Яна бир гап. “Жаҳолатга қарши — маърифат!” деган гап бор эди. Дарҳақиқат, бундай иллатларнинг олдини олишда ёшлар орасида китоб мутлоқасини кучайтириш катта аҳамиятга эга. Бу борада қишлоқларда деярли йўқолиб кетган кутубхоналар фаолиятини тиклайдиган вақт келди.

Зеро, китоб кирган қалбда эса ёмонликка, тамагириликка ўрин қолмайди. Қолаверса, порахўр осмондан тушмайди. У ёнимизда, оиламизда шаклланади. Шунинг учун ҳам унга қарши курашни айнан шу ердан бошлаш керак!

...Тилиб деган дўстим асалари боқди. Унинг айтишича, бу ажойиб жонзот минглаб гуллардан фақат меҳнат қилиб бол йиғаркан.

Энг қизиғи, у оиласига ҳеч қачон ҳаром нарсани олиб келмас экан. Агар мабодо шундай ҳолат рўй берса, ўша ҳаром луқмани олиб келган асалари, албатта, жазоланар, уяга киритилмас экан. Мана интизом, мана қонда!

Ўйлаб қолсан киши. Нахотки шу тилсиз жонзот англаган оддий ҳақиқатни ҳар нарсага ақли етадиган одам боласи билмасса...

Агарда ота-оналар ҳам болаларини ўша асарларидек назорат қилганларида эдими...

Ёрмамат РУСТАМОВ, журналист.

ХОРИЖ

### ЧЕКЛОВ ОЛИБ ТАШЛАНДИ

Германия ҳукумати Исроил армияси Ғазо секторидида қўллаши мумкин бўлган қуролларни етказиб беришга 8 августдан буён амал қилаётган таққи бекор қилди. Қарор 24 ноябрдан кучга киради, деб хабар бермоқда “дра” агентлиги ҳукумат расмийси Штефан Корнелиуга таянган ҳолда.

Чекловларни бекор қилиш 10 октябрдан буён амал қилаётган Исроил ва ХАМАС ўртасидаги ўт очишни тўхтатиш режими “сўнгги ҳафталарда барқарорлашгани” билан изоҳланди.

2025 йил 6 майгача фаолият юритган Олаф Шолц ҳукумати, маълумотларга қараганда, Исроилга деярли 500 миллион евро қийматда қурол-яроғ етказиб берган.

Фридрих Мерц бошчилигидаги янги ҳукумат даврида ҳам қурол-яроғ етказиб бериш давом этди, аммо анча кам миқёсда. Шу билан бирга, расмий Берлин Ғазо секторидида Исроилнинг ҳарбий стратегиясини тез-тез танқид қила бошлади, қўшинлар ҳаракатлари катта гуманитар инқирозга сабаб бўлаётганини таъкидлади.



### ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МАЖБУРИЙ ҚИЛИНАДИ

Иордания подшоҳлиги мамлакатда мажбурий ҳарбий хизмат бекор қилингандан 34 йил ўтиб, эркакларни армияга чақиришни бошлади. Бу ҳақда “Al Arabiya” хабар берди.

Маълумотларга кўра, бундан уч ой олдин мамлакат валиаҳд шахзодаси Хусайн бин Абдуллоҳ II 1991 йилда бекор қилинган ҳарбий хизматнинг қайта тикланишини эълон қилган.

Ҳукумат қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун парламентга юборган. Қўйи палатада қонун лойиҳаси кўплаб депутатларнинг овози билан маъқулланган. Бундан сўнг қонун лойиҳаси Сенатга, сўнг подшоҳ тасдиғига юборилиши режа қилинган.



### ИШДАН БЎШАТИШ АСОСЛАРИ КЕНГАЙДИ

Россия Президенти Владимир Путин хорижий ишчилар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларини кенгайтирувчи қонунни имзолади. Ҳужжат Россиянинг расмий ҳуқуқий ахборот порталида эълон қилинди.

Энди иш берувчилар минтақавий иш ўринлари лимитини оширган мигрантлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу ҳужжат билан Россия Меҳнат кодексининг 327.6-моддасига ўзгарттиришлар киритилган. Қонун 2026 йил 1 мартдан кучга киради.

Ташаббус “Янги одамлар” (“Новые люди”) фракциясига мансуб депутатлар томонидан Давлат Думасига киритилган. Уларнинг фикрича, бу ишдан бўшатишнинг ҳодимлар томонидан судга бериш хавфини камайтиришга ёрдам беради.



Интернет хабарлари асосида Мухаммадсолик ТЎРАЕВ тайёрлади.



## УКРАИНА ЁН БЕРМОҚЧИ... РОССИЯ-ЧИ?

Украина уруши якунлашнинг дастлабки режасини ишлаб чиқиб, уни Трамга ва воситачилар орқали Москвага етказиб берди. Экспертларнинг таъкидлашича, ҳужжат Москвадан асосий талабларини ҳисобга олиб тайёрланган. “Киевнинг тинчлик режаси Россия позициясига яқин келмаса, воситачи Америка бу лойиҳани кўриб ҳам чиқмайди, украиналиклар буни яхши биладилар...”

Хабардор манбанинг айтишича, Украина томони бу вариантни “реалистик муроса” деб номламақда. Унинг моҳиятига кўра, Украина Куролли Кучлари (УҚК) Донбассдан олиб чиқилади, бироқ бунинг шартини — Россия ҳам у ерга ўз қўшинларини киритмаслиги лозим.

Расман Москванинг талаби бажарилмади, аммо амалда бу ҳудуд халқаро назорат остига ўтади. Рус тилига давлат тили мақоми берилмайди-ю, аммо амалда олий ўқув юртиларда, суд тизими, тиббиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасида максимум даражада эркин фойдаланиш кафолатланади.

НАТОга аъзо бўлиш 40 йил муддатга кечиктирилади.

Киев бу ёғига АҚШ, ЕИДдан ва бошқа давлатлардан хавфсизлик кафолатларини талаб қилмайди. Бунинг эвазига УҚК демилитаризация қилинмайди, армия тўлиқ сақланиб қолади.

Москвага нисбатан молиявий даъволардан воз кечилади. Ҳарбий жиноятлар бўйича терговларга нисбатан ўзаро амнияти эълон қилинади.

Барча сиёсий маҳбуслар афв этилади. Россия ва Донбасс чегараси очилади: Украинага киришни истаган ҳар бир киши буни эркин амалга ошириш имкониятига эга бўлади ва ақсинча.

Эркин парламент ва президент сайловлари ўтказилади. Украина расман ҳарбий можоро натижасида ҳудуднинг бир қисmini йўқотганини тан олади. Конституцияга бу ҳудудларни ҳарбий йўл билан қайтаришни таққилловчи махсус банд киритилади.

Расман Украина бу ҳудудлардан воз кечмайди, бироқ де-факто уларни куч билан қайтариш имкониятини йўқотади. Бу модель конструкция жиҳатидан Шимолий Кипр вариантга яқиндир.

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИ ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган.**

Фармонда давлат ва жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини янада ошириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, жамият манфаатлари ва аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжларини қўлаган, жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббусларни рўйбга чиқаришга кўмаклашиш фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланган эди. Шунингдек, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шериклини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида таъсирчан жамоатчилик назорати олиб бориладиган рағбатлантириш устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатилган. Шу боис ҳам Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинаётган грант танловларида аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва тарбия, маданият, спорт, санитар-гигиена, соғлом турмуш тарзи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, коррупцияга

қарши кураш каби муҳим йўналишлар қамраб олинмоқда. Фармон ижроси бўйича Наманган вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар қилинган. Вилоят бўйича Жамоат фонди томонидан эълон қилинган 7 та танловга 32 та, ҳудудий бўлим томонидан эълон қилинган 4 та танловга эса 17 та лойиҳа тақдим этилган. Жами 49 та лойиҳадан 12 таси қолиб деб топилди. Жорий йилдаги грант танловда битта лойиҳа 200 миллион сўмга молиялаштирилди. Бу маҳаллий ташаббуслар учун етарли иқтисодий пойдевор яратди. Қолиб деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 1 миллиард 230 миллион сўм маблағ йўналтирилган. Бу маҳаллий муаммоларни жойида ҳал этишда муҳим омилдир. Грант соҳибларининг лойиҳалари билан танишар эканмиз, аксарияти олис кишлоқларда тиббиёт тизимини такомиллаштириш, оғир хасталиқлардан озор чекаётган эҳтиёжман кишиларга молиявий кўмак беришга йўналтирилганини кўриб, соғлиқни сақлаш тизимида ҳал этилиши қутилаётган муаммолар тўғрисида қолганига амин бўламиз, — дейди Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди вилоят бўлими директори Дилмурод Неъматов. — Биргина Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими ҳудудлардаги олти нафар, шу жумладан, Косонсой туманида истикомат қилувчи тўрт беморнинг жарроҳлик амалиётлари ўтказилишида яқиндан кўмаклашмоқда. Хусусан, “Замондош” маҳалласи, Янги авлод кўчаси, 48-уйда яшаб келаётган Соҳида Акрамовага суюқ емирилиши касаллиги бўйича даволал ва эндпротез қўйиш жарроҳлик амалиёти ўташида ёрдам бериш кўзда тутилган эди. Бемор жарроҳлик столига ётиши учун зарур бўлган маб-

лағлар грант лойиҳаси доирасида ажратиб берилди. — Касаллик бошлангачда тушқунликка тушиб қолдим. Негаки операция харажатлари, унга керак бўладиган эндпротез, қолаверса, муолажа учун дори-дармон ва шифохона тиббий хизматини тўлашга пулимиз етмасди. Шунинг учун туман ҳокимлигига йўллаган мурожаатим бесамар кетмади, “Маҳалла” фонди ходимлари йўқлаб келишди. Тиббий кўриқдан ўтказиб, операцияга зарур барча чораларни кўришди. Вилоят шифохонаси травматология бўлимида малакали жарроҳлик амалиётини босқичларни ўтказди. Жамоат фонди, лойиҳа ижроачилари ҳамда қўли энгил шифокорларга раҳмат. Ҳозир ўзимни энгил ҳис қиламан, — дея фахр туйғуларини ихроқ этади Соҳида Акрамова. Самюсуф Қаҳҳаров ҳам Косонсойнинг “Гурмирон” маҳалласида яшайди. У вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси тавсиясига асосан тиббий кўриқдан ўтказилган, Тошкент шаҳридаги “Medical Center Chinor” МЧЖда пластик жарроҳлик амалиёти учун ётқизилди. Ҳозирги кунда у оила бағрига қайтган. Улугбек Маждов ҳам Косонсойлик. Наманган шаҳридаги “Андрология-Н” МЧЖда урология жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан сўнг у кўп йиллардан буён озор бераётган дарддан батамом қутулган. — Фарзандим туғма буйрак нуқсонини билан тутилганлиги учун саломатлигида муаммолари бор эди. Вояга етган сари ташвишимиз ҳам ортиб борди. Тиббиёт муассасаларига мурожаат қилдик, лекин жарроҳлик амалиёти зарурлиги ва молиявий муаммолар сабабли даволанишга имконият бўлмаётган эди, — дейди унинг онаси Хосиятжон Азимова. — Соғайишига сабабчи бўлган Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-

қувватлаш жамоат фонди, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Наманган шаҳридаги “Андрология-Н” МЧЖга, айниқса, грант соҳибига катта раҳмат айтаман. Чортоқ тумани “Оқтерак” маҳалласида ижтимоий кўмакка муҳтож аҳолини соғломлаштиришга кўмаклашиш” йўналишидаги лойиҳага асосан бир қатор ишлар қилинди. Усмон Носир номли кўчанинг 44-уйида яшаб келаётган Абдумалик Собиржонов 2021 йили автохалокатга учраганидан буён тўшака михланиб қолган экан. Жарроҳлик амалиётидан сўнг қайта ҳаётга қайтгандек бўлди. Жамоат фондининг молиявий кўмаги асосида “Янгиқўрган тумани, Қораполвон маҳалласидаги оилавий шифокорлик пункти хизмат сифатини яхшилашга кўмаклашиш” номли грант лойиҳаси ҳам муваффақиятли бажарилгани эътиборга молик. Қисқа вақт мобайнида тиббиёт пункти замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Натижада хизмат кўрсатиш маданияти ва қамрови ошди. Вилоят “Қалб меҳри” аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази “Юксалиш сари юксалими” номли лойиҳа устида фаол ишлади. Белгиланган давр мобайнида Давлатобод туманидаги “Юксалиш”, “Тадбиркор”, “Элобод”, “Давлатобод”, “Умид” маҳаллалари ҳудудига замонавий махсус чикинди қутилари жойлаштирилди. “Тадбиркор” маҳалласидаги кўп қаватли уйларида яшовчи аҳоли эса чикинди ташланадиган махсус контейнерлар билан таъминланди. Ногиронлар жамиятининг Янгиқўрган тумани бўлинмаси лойиҳасида Салмон маҳалла ёшлари учун чет тилларини ўрганиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш имконини яратиш мақсад қилинган эди. Уни рўйбга чиқариш учун ҳудуддаги қаровсиз қолган бино таъ-

мирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Ёшлар учун шинам ва замонавий билим маскани вужудга келгандан бутун маҳалла аҳли миннатдор. Уйчи туманидаги “Хуррият”, “Беруний”, “Боғ” маҳаллаларининг инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш” лойиҳаси доирасида тунги ёритиш чироқлари, назорат камералари, чикинди қутилари ва кўчма светофор ўрнатиш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 30,2 миллион сўмлик 131 та ёритиш чироғи, 47,3 миллион сўмлик 32 та чикинди қутиси ўрнатилган. Қиймати 36,0 миллион сўмлик 30 та кузатув камераси харид қилиб олинди. Боғ маҳалласининг “Савдогар”, “Уфқ” кўчаларига 11 та ёритиш чироғи ўрнатилди. Боягон маҳалласи ҳам Уйчи туманида. Маҳалланинг инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш бўйича лойиҳа доирасида тунги ёритиш чироқлари, назорат камералари, чикинди қутилари ва кўчма светофор ўрнатиш ишлари амалга оширилди. 34-мактаб ҳудудида ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўчма светофор ҳамда Амир Темур номли кўчага 2 та чикинди қутиси, 2 дона кузатув камераси, 4 та ёритиш чироғи ўрнатилди. Президент фармонида кўра, Олий Мажлис ҳузуридаги фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грантлар учун ажратаётган маблағлар аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга тўсик бўлаётган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилмоқда. Бу эса минглаб аҳолининг оғирини энгил қилишда, уларнинг неча йиллардан буён азоблаб келаётган дардлардан халос бўлишларида муҳим омилдир.

Қосимжон АКБАРОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар  
юшмаси аъзоси.

1-6


Сиддикий ҳаж зиёратини адо этиб бўлгач, саёҳат қилишни бошлаб, Арабистон ярим оролининг мамлакатлари, Туркия, Ироқ, Эрон, Афғонистон, Кавказ, Россия империясининг шаҳарлари, жумладан, Боку, Тифлис, Москва, Санкт-Петербург, Нижний Новгородда бўлди.

1900 йилда у Жидда шаҳрида (Саудия Арабистони) Россия империясининг элчихонасида таржимон бўлиб ишлаган. У нафақат педагог, балки ҳуқуқшунос, ёзувчи, ўқитувчи, таржимон бўлиш билан бирга, ўзбек, араб, форс ва турк тилларини яхши билган. Ажзий саёҳатлари давомида Бокуда Кавказ жадидлари билан учрашди. Ватанга қайтгач, у яна бир жадидчи Исҳоқхон Ибрат билан Самарқанддан унча узоқ бўлмаган ўзи туғилиб ўсган Ҳалвоий кишлоғида ўзининг маблағига янги таълим услубидаги мактаб ташкил этади. У асос солган мактаб бугунги кунгача сақланиб қолган.

## “Миллатни фақат илм, маърифатгина қутқаради...”

Ажзий “Майна”, “Гинагина”, “Шашпар”, “Тумнон”, “Олмос” каби турли тахаллуслар билан ҳажвий асарлар ҳам ёзган. Мустабид шўро ҳокимияти тизимида рўй бераётган ўзгаришлар унга ёқмас, Саидахмад ўз халқининг келажиги ҳақида қайғурарди. Шу боисдан ҳам ҳам С.Ажзий ота ховлисини сотиб, унинг пулига кишлоқда янги тилдаги мактаб қурди. Маърифатпарвар томонидан 1903 йилда Ҳалвоий кишлоғида бунёд этилган янги тилдаги мактаб бугун ҳам мавжуд. — Самарқандда яна бўлган бу мактабни кўриш учун Туркистоннинг турли ҳудудларидан одамлар кела бошлади, — дейди Ажзий ижтимоий тадқиқотчиси Сирождиддин Хўжакулов. — Ёруғ, кенг хона. Гилам ўрнига қўйилган парталар, бу ерда муайян ўқув дастури бўйича дарслар олиб борилиши, умумий, миллий география, тарих, математика, геометрия, табиятшунослик фанларини ўргатиш, кўргазмалар кўрсатилган кенг фойдаланиш кўпчиликни лол қолдирди.

Дин мутаассиблари ва уламолар кўз олдида, мавжуд тузумнинг қондаларига зид равишда ўша даврда бундай зиё масканини қуриш факулдада катта жасорат эди. С.Ажзийнинг фикрича, миллатни жаҳолат бутқоғидан фақат илм, маърифатгина қутқара олиши мумкин эди. Шубҳа йўқки, бу мактаб нафақат савод, балки ҳуқуқшуносликка ўргатиш маскани ҳам бўлган. 1916 йилда бутун Самарқандни



нинг кўплаб иштирокчилари айнан Сиддикий мактабда ўқиган, дейишга асос бор. Чунки Дахбед маззееси бу ердан атғи 10 қақирим узоқликда жойлашган. Айрим мутахассисларнинг айтишича, Ажзий мактаби таълимнинг нафақат Дахбед билан, балки машҳур Жиззах кўзғолони билан ҳам маълум даражада алоқаси бор.

## Самарқанд Адлия комиссари лавозимида...

Ажзий 1916-1917 йилларда Биринчи жаҳон урушининг гайринисоний моҳиятини очиб берган, чор ҳуқуматининг миллатчилик, босқинчилик сиёсатини қўрқмасдан фозш этган туркистонлик зиёлилардан бири бўлгани яхши маълум. Ажзийнинг 1917 йилда “Хуррият” газетасида эълон қилинган “Ажзий сўз” ва “Қаёққа кетяпмиз?” номли мақолалари фикримизнинг ёрқин далилидир. — Сиддикий ўша даврда йирик маърифатпарвар, жадид сифатида даврий нашрларда фаол қатнаш-

доктори, Самарқанд давлат университети профессори Маҳкамой Турсунова. — Қозон, Оренбург, Кавказдаги газета ва журналлар саҳифаларида унинг Ватанга, фан-маърифат тараққиётига бағишланган ўнлаб мақолалари чоп этилган. Маърифатпарвар олим 1917 йилги февраль инқилобидан кейинги ижтимоий-сиёсий ҳаётда бевосита фаол иштирок этди. 1918-1921 йилларда у Самарқандда вилоят адлия комиссари лавозимида ишлаган. 1922 йилда у барча давлат лавозимларини рад этди ва мактаб ўқитувчиси сифатида аввалги ишига қайтди. Кейинчалик “Машраб” ва “Мулла Мушфиқ” сатирик журналлари, ўзбек ва тожик тилларида “Зарафшон” газетасини таъсис этишда фаол қатнашди. 1920 йилларда Ажзий республика маориф ва маданиятининг асосий намоёндаларидан бирига айланди. 1917 йил февраль инқилобидан кейин Ажзий халқ ҳаракатида қатнаша бошлади. 1918-1921 йилларда Самарқанд вилояти адлия комиссари бўлиб ишлади. 1926 йилнинг қишида Ажзий қаттиқ касал бўлиб, тез орада 1927 йилнинг июлида Самарқандда вафот этади.

# МАЪРИФАТ ЧИНОРИ

## Саидахмад Ҳасанхўжа ўғли Сиддикий-Ажзий нега уйини сотиб мактаб қурган эди?

### Маърифатпарвар дунё билан ҳамнафас яшашга чақирди

Миллий уйғонши даврининг мутафаккир, донишмандлари сингари Ажзий ҳам адабиётнинг асосий вазифаси омдани тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқларини ифода этиш деб билган. У ўз миллати аҳолини тушунишга ва дунё билан ҳамнафас яшашга ундади. — Сиддикий-Ажзий ўзбек, тожик, форс, араб, турк ва озарбайжон тилларини яхши билган, бироздан кейин рус тилини ҳам мукаммал ўрганган, — дейди филология фанлари доктори, Самарқанд давлат университети профессори Дилором Салоҳий. — Бундан ташқари, Ажзий қатор буюк ёзувчи ва шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Хусусан, 1908-1910 йилларда Лев Толстой асарлари, Иван Крилов эртаклари, Николаи Гоголнинг “Шинель” қиссасини ўзбек ва тожик тилларига ўргатган. Шунингдек, Сиддикий-Ажзий Ўрта Осиё мактаблари учун махсус дарсликлар ҳам ёзган. 1880 йилларда эса у шеър ёзишини бошлади. Ажзийнинг 10 га яқин китоблари, жумладан, “Айн ул-адаб” — (“Одоб чаммаси”), “Ганжинаи ҳикмат” (“Хикмат хазинаси”), “Миръоти ибрат” — (“Ибрат ойнаси”), “Анжумани арвоҳ” — (“Арвоҳлар йиғини”) каби шеърый тўпламлари, достонлари нашр этилган. Ажзийнинг кўплаб ҳикоялари, шеърлари турк, озарбайжон, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Муаллиф ўз асарларида инсонларни маънавий камолотга даъват қилди, Бухоро амричилигидаги эски тузумни, шўро сиёсатини жиддий танқид қилди.

### Овчи, тўқувчи ва уста...

Ажзийнинг замондошлари унинг улкан истеъдоди ва илм олиш қобилиятини алоҳида таъкидлайдилар. Хусусан, машҳур педагог Вадул Маҳмуд шундай ёзади: “Улкан истеъдод эгаси бўлган Ажзий кўп ҳунар устаси. Масалан, Сиддикий яхши техник. У соатлар ва машиналарни таъмирлашни жуда яхши билади. Бундан ташқари, у яхши тўқувчи ва тикувчи ҳамдир. У узоқ йиллар шу ҳунар билан яшади. Шунингдек, Ажзий яхши овчи, мусиқани ҳам жуда яхши билади”. 1914 йилда С.Ажзий Самарқандда “Зарафшон” китоб дўконини очди ва турли тарихий даврларга оид форс, тожик, ўзбек, турк, рус ва бошқа тилларда ёзилган китоблар савдосини йўлга қўйди. Жомбойдаги 19-мактабда аллома ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи музей ташкил этилган. — Сиддикий-Ажзий отасидан қолган ховли ва боғни сотиб, пишиқ гишдан замонавий мактаб қурганлиги ва бу мактабнинг довриги Марказий Осиё бўйлаб кенг тарқалганлиги яхши маълум, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошев. — Мана фидойилик, мана миллат ва унинг келажиги учун қайғуриш! Шу гапдан сўнг ўзимга ўзим савол бериб қўрдим. Сиддикий-Ажзий жуда қийин замонда юртнинг келажигини ўйлаб, жуда катта ишлар қилган экан. Ҳўш, биз-чи, биз нима қилапмиз? Юртимиз тинч, устимиз бут, қорнимиз тўқ. Худога шукр, пулимиз, бойлигимиз ҳам етарли. Аммо мактаб таълимимиз ҳамон муаммолардан тўлиқ қутула олгани йўқ. Баъзи бир ўқитувчиларимиз ўз устида ишлаб, билимининг оширмайди. Фарзандларимизни фалон мингдан сарфлаб репетиторнинг қўлига берамиз. Нега шундай-а? Негаки биз Ажзий каби алломаларимизнинг ҳаётини, фаолиятини тўлиқ билмай-

миз. Уларнинг ишлари ўзимиз учун кераклигини тушунапмиз. Жуда ўзига тўқ катта сармоядорлар-чи, улар қаерда? “Илм-фан, тил, давлат ва қонун миллат келажигини белгилайди. Мана шу тўртта нарсага эришмаган миллат ҳалокатга маҳкумдир” деган фикрни Ажзий доимо илгари суриб яшади. Маориф соҳасидаги фаоллиги учун унга 1926 йилда биринчилардан бўлиб “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” фахрий унвонини беришган.

### 1 250 йиллик чинор

Ҳалвоий маҳалласида бир чинор бор. У 2012 йил 4 апрель куни табиат ёдгорлиги сифатида рўйхатга олинган ва дарахт атрофи обод этилиб, сайёҳлик масканига айлантирилган. Бугунги кунда чинор соясига турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб турилади. — Жомбойда яшаб ижод қилган буюк алломалар, жумладан, маърифатпарвар олим, жадидчилик ҳаракатининг намоёндаларидан бири Саидахмад Сиддикий-Ажзий ҳам ушбу чинор остида маърифат кечаларини ташкил этган, — деди туман “Жомбой тонги” газетаси муҳаррири, шоир Исмомиддин Пулатов. — Чинор эскирганга 1 250 йилдан кам эмаслиги тўғрисида олимлар томонидан хулоса берилган. Менинг назаримга эса бу чинор С.Ажзийдек буюклар каби маънавият, маърифат дарахти бўлиб қўринди. 1989 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ўзУМУ), Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Сиддикий-Ажзий таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланган эди. 1999 йилда “Маънавият” нашриетида шоир, устоз ва педагогнинг “Танланган асарлар”и нашр этилган.

Ёр МУХАММАД.

ШЕЪРИЯТ

# Доим Ҳақ сўзинг айт, Ҳақ йўлини тут...

## ҚАСИДА

Устоз **ОЙБЕККА БАҒИШЛОВ**

У кунлар тарихга айланди энди,  
Қадрли, қимматли, армонли бироз...  
Кўзимга қувончдан юлдузлар инди,  
Кўришмоқ истабсиз мен билан, устоз...

Ҳайрат, ҳайронликда лол қолдим бир он,  
Ҳатто англолмудин, ўнгимми, рўё?  
Чунки бизлар учун қўл етмас осмон,  
Қўёшдан ҳам олис эдингиз гўё.

Мен ўқиб, улғайдим китобларингиз.  
Бола Алишерни дўстимдай суйдим.  
Шеърларингиз эди гўзал ва тенгсиз,  
Наъматак гулларин ифорин туйдим.

Йўлчию Гулнорга бўлолдим ҳамдам,  
Ўлғандим нелигин Адолат, Ҳақ Сўз,  
Аслида ҳаёт ҳам мард ила номард  
Кураши эканин билдим юзда-юз...

Битдингиз мозийни, асл тарихни,  
Сизга шараф эди аждодлар шаъни.  
Истеъдодсиз каслар терс буриб чархни,  
Сотдилар, дедилар, "Миллат душмани..."

Тамғалар босишди, осини эрлик,  
Ва олиб ташлашди музаффар йўлдан.  
Кўзингизга тордай кўришиб борлик,  
Ҳақ Сўзини айтолмай қолдингиз тилдан...

Қизлар фахри эди Зарифахоним,  
Меҳр фариштаси, садақатли ёр.  
Тил бўлди, Сўз бўлди, жон бўлди жони,  
Лаҳзаси Сиз билан ўтди бахтиёр...

...Менга қанот берди шул оддий мужда,  
Сўзининг қудратини хис қилдим илк бор.  
Кўкка ҳаволандим ва учдим кушдай,  
Кўришмоқ кунини кутдим интизор.

Лек эртатта дўнди ширин хаёллар,  
Ё кунлар панд берди ё вақт бўлди кам,  
Кўришмоқ муддати кетди ҳаяллаб,  
Ёки унутдингиз ваъдангиз Сиз ҳам...

Ҳа, Сизни ҳаётда кўрмадим бир бор,  
Сўхбатингизга ҳам бўлмадим шерик.  
Бормоқ истаганим, дедилар "Бемор..."  
Сиз яшаб ўтдингиз ёнимда, тирик...

Ҳаёт ташвишлари сабаб бўлар гоҳ,  
Сабабдир баъзида яқинлар, дўст, ёр,  
Сўнг йўлга қузатмоқ насиб этди, оҳ...  
Қиёматга қолди сўхбату дийдор.

Омонат сўзингиз етказди домлам,  
Дебсиз: "У истеъдод, асрамоқ керак.  
Бизни йиққан каслар бир кун уни ҳам  
Аяшмас, йиқарлар, сезмоқда юрак..."

Башорат қилибсиз, устоз, аслида,  
Ва менга сўрабсиз Тангридан паноҳ,  
Чиндан ижодимнинг қайноқ фаслида  
Бошимга булутлар ёғилди ногоҳ.

Дўсту ёр қушдайин учди-ю кетди,  
Гавжум маконларим қолди хувуллаб.  
Орзу-умидларим тушдайин битди,  
Фақат руҳим таскин берди шивирлаб...

"Йиғлама... Аллоҳнинг даргоҳи кенгдир,  
Умид эшикларини ёпилмас ҳеч вақт,  
Бандасин айирмас, барчаси тенгдир,  
Мазлумлар аҳлига муруввати нақд..."

Чиндан ҳам ноумид қилмади Ўзи,  
Менга инъом этди ўзга бир олам,  
Оламки, таърифга етмайди сўзим,  
Тасвирга ҳам хатто ожиздир қалам.

Унда кўрганларим ажиб эди ҳуб,  
Балки эртақдир у, балки афсона.  
Сўхбат қуришарди малаклар тўп-тўп,  
Орада йўқ эди ғаним, бегона.

Тўмарис момоми эди улуги,  
Даврабоши эди ёвқур, раҳнамо,  
Ёнида жанговар нур ёлли туғи,  
Сўзлари қиличдай кескирдир ҳамон.

Тўрда ўтирарди Бибиҳоним ҳам,  
Ҳилолга ўшарди тиллақошлари,  
Ухларди Улугбек Мирзо ўшал дам  
Бибисин тизига қўйиб бошларин.

Сал паришон эди Гавҳаршод бегим,  
Бошида минг савдо, давлат ишлари...  
Салтанат тақдирин уйлар эди жим,  
Яхшиликка йўйиб, кўрган тушларин...

Давра гули эди Нодира даврон,  
Ҳазаллар ўқирди ишқ майдан маст,  
Увайсий лаҳзада тўқирди чистон,  
Замон найранглари битиб, қасдма-қасд...

Забуннисо бегим куйларди маҳзун,  
Юраклар бермасди нолаасига дош,  
Тонггача кўзларин юммас эди тун,  
Уйғониб кетарди бечора куёш.

Устоз, ҳар кун шундай кечар ҳаётим,  
Бул олам фаноми, бақоми, билмам,  
Лекин ҳақни битди дoston, баётим,  
Бунда жамулжамдир, жаннат, жаҳаннам...

Дуо қилмоқ қолди Сизни, устоз, дил,  
Шайнингизга не дей, айтайми сано?  
Қай тарзда мадҳ этай, алқайин қай хил?...  
Муносиб Сўз берсин, Ўзи, Роббано!

\*\*\*

Муғанний, қўлингга олгил созингни,  
Чорлагил, фидойи мард, жонбозингни!  
Ноғоранг сасидан титрасин олам,  
Кўрсатгил ёғийга, кучинг, бозингни!  
Борлиғу йўқлиқнинг маъноси — Лағзи!  
Ҳаёту мамотнинг биноси — Лағзи!

Бирлашсанг, каттаю кичик кўр бўлсанг,  
Бирдамлик кўрсатсанг, элга жўр бўлсанг,  
"Айрилган айрилар" нақлин ёд тутиб,  
Тупроқни, юртни деб бардам, зўр бўлсанг,  
Мардлар майдонига йўллади Лағзи!  
Кувват, қудрат бўлиб қўллади Лағзи!

Хоинлар сотилар, ёв бўлар доим,  
Йўлингга тўғону гов бўлар доим,  
Ўзагингни узиб, ўзингникилар  
Хонумонингга ўт, олов бўлар  
доим,  
Хевақийлар ёнган оловдир Лағзи!  
Кубро қўлидаги яловдир Лағзи!

Мардлар эрксизликка бошламас асло,  
Юртин, элин ёнга ташламас асло,  
Ўлмагай, тириқдир Мангубердилар,  
Оналар кўзини ёшламас асло...  
Ойчечаклар чўккан дарёдир Лағзи!  
Ноладир, воладир, фарёдидир Лағзи!

Минг шуқур, тўзмади, озод бўлди юрт,  
Интиҳодан қайта имдод бўлди юрт,  
Тугилди Куброю Темур Малиқлар,  
Озоду фаровон, обод бўлди юрт...  
Бугун санъатимиз эъзози Лағзи!  
Бахтиёр элимиз дил рози Лағзи!  
Орада йўқ эди ғаним, бегона.

## ВАТАНДОШЛАРГА

Айри тушдингми Ватандин  
ё айри тушди Ватан?  
Учдингми ё сен Ватандин  
ё сендан учди Ватан?  
Эрта баҳор боғларига  
яна қайтар турналар,  
Э, воҳ, энди қайтмағайдир,  
ул Хумо қушдир Ватан...

Ўзга юртнинг шамоллари  
тўфон бўлар, ел бўлмас,  
Алпалар нағма бўлар,  
Забон бўлмас, тил бўлмас,  
Ошнопаринг оғанимас,  
ёбон бўлар, эл бўлмас,  
Кўксингга солган жароҳат  
ханжари нишдир, Ватан...

Инсонлиқнинг маънолари,  
мезонлари йўқ унда,  
Яратганнинг иймонлари,  
эҳсонлари йўқ унда,  
Ҳамжинсликни раво дерлар,  
нуқсонлари йўқ унда,  
Ашки дарё, дарди дунё,  
ҳажи, бепушдир, Ватан...

Салтанати, саройлари,  
хурлари не дунёнинг,  
Олмослари, ганжлари не,  
дурлари не дунёнинг,  
Султонлари, шохлари не,  
зўрлари не дунёнинг,  
Искандардай сўнг лаҳзада  
қўллари бўшдир, Ватан...

Боболаринг маконлари  
сенга суянч, тоғ бўлар,  
Момоларинг пойи теккан  
ерлар жаннат, боғ бўлар,  
Ўзга юртда шох эсанг-да,  
шараф эмас, доғ бўлар,  
Гар тупроғи кўзларингни  
ёпмас, тушдир, Ватан...

## МУВАШШАҲ

Дўстим **Хосият Бобомуродовага**

Аҳли толиб эдик, биз учрашган дам,  
Замину замоннинг эрка гуллари...  
Ижоду ҳаётда бўлолдиқ ҳамдам,  
Зиё-ла безатдик толе йўлларин...

Давронимиз ўтди билдирмай бизга,  
Ўтди давримиз ҳам жонимиз ҳалак.  
Санокдан адашдим мен қараб Сизга,  
Турибсиз етмишмас, навниҳол малак...

Интиҳо фаслими, ё фасли имдод,  
Мозий қайтардим орта чархини?  
Худойимнинг ўзи қилгайдир исбот,  
Осий бандасининг қиймат, нархини...

Суйиб инъом этди бизларга қалам,  
Илҳому илоҳий Сўз берди нурдан.  
Яна азоб қўшди, ранж ила алам,  
Топарсан деб ўзни, зўр чиқсанг, зўрдан...

Бебаҳо кунларни уладик йилга,  
Оромлардан кечдик каломлар излаб,  
Бахш этиб тунларни фақат кўнгилга,  
Ой билан тиллашди ой каби юзлар...

Меҳрлар улашдик дилдан, бетама,  
Узмадик садақат ришталарини.  
Рақиба дўнганда дўсти ёр... Ҳамма...  
Аллоҳга юқундик, ютдик барини...

Довонлар ошдик биз йил-ла басма-бас,  
Орзу қанот берди, бўйладик кўкка.  
Ва ўйин қилганда ҳаёт, қасдма-қасд  
Айландик лочинга, учдик юксакка...

Гўзал Йўлнинг сўнги ҳали олдинда,  
Авлодлар уйғонар Ҳақпараст-  
янги!  
Шарафли Сўз қадри ортар олтиндан,  
Илоҳий бу боғида қолурмиз мангу!

## МЕНИНГ ОНАМ...

**Бовлисанг ботир бўлар,  
Тергасанг тентак бўлар...  
МАҚОЛ**

Ҳамманинг онаси ўзига азиз,  
Ҳамманинг онаси улуг, мўътабар.  
Дўстлар, қирилмасин кўнглингиз ҳаргиз,  
Онамини ошириб мақтасам агар.

Менинг мунис онам бошқача эди,  
Ҳеч кимга ўхшамас эди феъллари.  
Кўшнилар "мулойим, ширин сўз..." дерди,  
Чиндан ҳам болдайн эди тиллари.

"Бойдавлат" дер эди кучугимизни,  
Мушугимиз номи "Мошоним" эди.  
Қандай эркаласа, суйсалар бизни,  
Суйарди, "Улар ҳам дўстимиз..." дерди.

Менинг номим эса жуда кўп эди.  
"Офтобхон" дер эди куёшга менгаб.  
Ҳамма исмларим гўзал, хуб эди.  
"Дугонам" ҳам дерди ўзига тенгсиз.

"Оймомомсан" дерди силаб бошимни,  
"Ойдан ҳам ойдиним..." дер эди суйиб.  
Ҳилолга ўхшатар эди қошимни,  
Сўнг кўшиқ тўқирди ўсмалар қўйиб.

Соҳларимни елга кўз-кўз қиларди,  
Олтин тароғини берарди шамол.  
Зулфларимга зарли баргак уларди,  
Сувларга қокилин ёйган мажнунтол.

Мени учирарди аргимчоқларда,  
Бўйлашган дер эди сен осмон билан.  
Мен кўкка ҳаволай, қўрқан чоғларда,  
Дерди: "Мен сен билан, сен посбон билан..."

"Қўрқма бу ҳаётнинг уйинларидан,  
Доим Ҳақ сўзинг айт, Ҳақ йўлини тут..."



Ёзувчи ва шоира Шаҳодат Исахонованинг қатор насрий асарлари ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган. Унинг қаламига мансуб ҳикоялар, қиссалар ва романлар кўп-лаб хорижий тилларга таржима қилинган. Дунё интернет тармоғига қарашли машҳур "Амазон" китоб савдоси дўконларида "Турон маликалари" сериясида чоп этилган "Чингизхон тузоғига тушган малика", "Бибиҳоним", "Нодира даврон", "Гавҳаршод бегим" каби тарихий романлари, ҳикоя ва қиссалар тўплами инглиз тили китобхонлар ҳўкмига ҳавола этилган. "Чечаклар ифори..." номли тўплам шоиранинг илк шеърий тўплами. Шоиранинг назмий ижоралари ҳам насрий асарлари каби ўз ўқувчисини топишига ва муҳлисларининг кўнглини ром этишига ишончимиз комил. Сизга завқли ва ҳайратли мутолаалар тилаб қоламиз.

Ўтарсан бешикаст куюнларидан...  
Чеккан андуҳларинг бўлади унут..."

Ҳатто танбеҳлари эди гаройиб,  
Дуога ўшарди қойишлари ҳам.  
"Яхшиликка..." дерди, йиқилмас тойиб,  
"Қадамнинг синиб кўрмоқда Эгам..."

Осмонга бўйлашдим, кўкка бўйлашдим,  
Бағрига чорлади осмон, фалаклар.  
Гул билан гуллашдим,  
Ой-ла тиллашдим,  
Дугона бўлдилар хурлар, малаклар...

Фақат онам йўқдир, посбон, меҳрибон.  
Энди қувонмайди онамдай ҳеч ким.  
Унинг сўзларини кўмсайман пинҳон,  
Обиҳаёт каби келади ичгим...

Ана, ўша сўзлар! Қаранг, бозорда!  
Маъноли... Ҳикматли... Мулойим... Ширин...  
Пулдорни қувончада, пулсиз озорда,  
Олишар таллашиб, суриб бир-бирин...

Онаминг сўзларин сотмоқда маддоҳ,  
Доналаб... Майдалаб... Йўқ унга фарқи...  
Юксалмоққа эмиш воситани жоҳ,  
Ҳатто ўзгарармиш дунёнинг чархи...

Сўз бозори томон учаман елдай,  
Нештахта, рассталар мўл, тўкин эди!  
Нархи эса... Оқар кўз ёшим селдай.  
Оҳ... Онам сўзлари суватин эди...

Шундай... Менинг онам бошқача эди...

ҲИКОЯ

Болаликда ҳайратнинг кўзлари катта бўлади. Болаликда ўзим соҳилида сизир боқиб, ўртоқларим билан қувлашиб ўйнаб юрадиган Чирчиқ дарёси кўзимга қирғоғи кўринмайди дунё ҳовузли — денгизлардан ҳам бепоён кўринарди. Опоқ кўпикли тўлқинларини чайқатиб-чайқатиб оқизиб кетаётган дарёнинг кўм-кўк сувлари мовий осмон билан бирлашиб кетгандай эди. Кўёш боши арафасида дарё соҳилидаги азим чинор дарахтининг тепасига чиқиб, кўзим тиниб кетгунча оқимга тикилиб ўтирардим. Осмондан қанотларини йиғиштириб, дарёга тошдай шўнғиган балиқчи қўшлар тумшугида биланглаб турган каттакан балиқни илтириб кўкка кўтарилганда ҳаяжон ва ҳайратдан юрагим қафасидан чиқиб кетгундай типирчилаб қоларди. Эҳтимол, ўша пайтда дарёнинг суви ростдан ҳам кўп бўлгандир. Негаки, дарё катта-кичик еттига ирмоққа бўлиниб оқарди. Ирмоқлар орасидаги орчлақларда хушбўй ҳидли юлғунлар, оппоқ гулхайрилар, гулнинг ифори бошини айлантириб юборадиган ёввойи жийдалар бир-бирига чирмашиб, қалин тўқайзор пайдо қилганди. Юлғунлар орасида тўсатдан пайдо бўлиб қолган юмронқоziқ типратикан ёки қамишлар орасидан сузиб чиққан кундузлар тўқайга кириб қолса, қайтиб у ердан чиқа олмайди дунё туюларди. Мен шалваримни тиззамгача кўтариб олиб, дарёнинг қирғоққа яқин саёз жойларига тушиб, сув кечишни яхши кўрардим. Чунки оёқларим орасидан оқаётган сув вужудимни эркалаб, силаб ўтарди. Аммо баъзан оёқларим орасидан ўтиб қайтаётган кўвнок балиқчалар, ҳатто шапалоқдай-шапалоқдай япалоқ чиганоқлар баданимда титроқ уйғотар, ҳатто чўчишиб ҳам юборарди. Соҳилга яқин жойларда чиганоқлар жуда кўп эди. Бувим бизга:



"Соҳилдаги кумларни синчиклаб қарасаларинг, чиганоқлар тўнларини ташлаб кетган бўлади. Майда-майдаларини териб келинлар. Қуришиб, укангнинг бешигига мунчоқ қилиб осиб кўямиз. Лекин тагин сувдан тирик чиганоқни ушлаб қобилини ёриб, ўзини ўлдириб қўймаларинг, уям Худонинг бозар жонивори, увולי бор", — деб тайнлардилар.

Бувимнинг айтишича, дарё бўйларидидаги қамишлар-у юлғунлар, ёввойи арча-ю маймунжонлар, кўрсичкон-у сувкаламушларнинг ҳам одамларга, табиатга фойдаси бор эмиш. Уларга ҳам Худо керакли вазифани буюриб қўйган эмиш.

— Бувижон, ўша чиганоқларни уйимизга олиб келиб боқсак-чи? — сўради бир куни акам.

— Ундай қилма, болам. Чумолининг ҳам уйи бузилмасин. Ҳар бир нарса ўз ерида униб-ўсади. Ўша чиганоқни ушлаб, секин қулоғинга олиб бориб тинглагин-да, унинг ичидан дарёнинг шовуллаши, шамолнинг ғувуллаши эшитилади. Агар сен чиганоқни

уйда боқсанг, у бундай овозларни эшитмайди, кейин ўша овозларни соғиниб ҳалок бўлиши мумкин, — дедилар бувим.

— Назира қизим, ўзинг ҳам, ўртоқларинг ҳам чиганоқларни ҳадеб кўлингизга олиб ўйнаб, уларни қийнамангллар. Сиздан сал нарида, гарчи кўзингизга кўринмас-да, онаси хавотир билан кузатиб турган бўлади. Боласини кўтқариш қўлидан келмагач, сизларни қарғайди. Қарғиш ёмон нарса. Табиатдаги ҳамма нарсани Худо яратган.

Биз ана шу ҳикоялар асосида кишлоғимиз табиатини, дарё-ю сойларини, янтоғ-у гиёҳларини, уришқоқ чуғурчуқларни ўзини само ҳўқмодори деб билган балиқчи қўшлари, қаққон типратиканлари-ю муғомбир чиябўрилларини севиб, уларни дўст билиб катта бўлганмиз. Ёзда супадаги ҳовлида юлдузларга тикилиб уйқуга кетар эканмиз, уқилларнинг ваҳимали сайроғи, кўршапалақларнинг шарпа-сиз қанот қўқишлари, чигирткаларнинг чириллаши бизни алпаларди. Орадан

# ЧИҒАНОҚЛАР ҚАБРИСТОНИ

йиллар ўтди. Мактабни битириб, шаҳарга ўқишга кетдим, кейин ишладим. Рузгор, бола-чақа ташвиши билан анча пайт қадрдон дарё бўйига боролмадим. Ҳар гал ота уйимга меҳмон бўлиб келганимда, укаларим, онам дарёда сув камайиб кетаётгани, одамлар деҳқончилик ҳам қилмай қўйгани ҳақида ташвишланиб гапириб қолишарди. Ҳа, дердим-у, бунинг қанчалик фожиа эканлигини тасаввур қилмасдим.

Бу галги меҳмонга келганимда, укам:

— Она, жиянларни дарё бўйларига олиб чиқиб келай. Сувнинг салқингина шабадасида жазирамани сезишмасин, — деб қолди.

— Яхши тақлим, нега энди мен бормаслигим керак? Ахир у ердаги ҳар бир туп сувтол шохларида, ҳар бир ирмоқ соҳилларида менинг болагилин қолган. Бу ҳақда жиянларингга ўзим гапириб бераман, — дедим-у, ҳаммадан олдин машинага чиқиб олдим. Укам: "Ўзимиз хар доим юрадиган "Чангалли ота" қабристонини томонда йўл йўқ, дала ҳовли эгалари йўлларни тўсиб олган", деб машинаси рулини Карьер томонга бурди.

Очиғи, мен дарёнинг Роҳат қўлига олиб чиқадиган йўлнинг бу тарафларини унутиб ҳам юборгандим. Ўлай агар, укам гилдик қилмаса, яккам-дуккам сувтолларини онда-сонда кўзга ташланаётган сўқмоқлар бир пайтлар юришга тўсқинлик қилган ваҳимали тўқайзор эканлигини билмасдим ҳам. Ниҳоят, машинани қатнов йўл чеккасида тўхтатди.

— Пастга ўзимиз тушамиз, — деди

қуйи томонга эниб кетган сўқмоққа ишора қилиб. Жийда топган жиннидай қувониб кенжакойимнинг қўлидан тутдим-у, нишаб йўлдан елиб кетдим. Йўл бизни соҳилини кум босган сой ёнига олиб борди.

— Алишер, шунчалик ҳам беўхшов ҳазил қилсанми, бу Қиёт ариқ-ку, нега дарёга бормадик? — дедим сойнинг нариги чеккасидаги қизил "Жигули"га тикилиб. Шу чоқ "Жигули"дан тушган майка-шортикдаги бир киши сафар халтасини титганча биз томонга "хорижликларми?" дегандай қайта-қайта қаради.

— Нега ҳазиллашаман, опа? Ўзингиз чўмилиб катта бўлган Чирчиқни танимайсизми? Бу хув бирда сув кўпайиб кетиб, дарёдан ўтолмай йўлгаб ўтирганингизда тоғам ҳарбийларнинг вертолётда кутқариб олиб кетган учкучи ирмоқнинг ороли-ку, — деди укам.

— Ие, унда биринчи, иккинчи ирмоқлар қани?

— Ирмоқлар сизни кута-кута чарчаб қуриб қолди, — хўрсинди укам.

— Ойи, мана бу қанақа сўяк? Росаям қаттиқ экан, — дея оёғи тағидаги кумни тепкилаётган Сардор аста эгилди-да, ичидидаги чиганоғи ўлиб, вайрон бўлган коссаси (скелети)нинг бир палласини қўлига олди. Югуриб бордим. Чиганоқнинг кўкиш, қорамтир шапалоқдек палласи. Биз чиганоқларнинг ана шу мустаҳкам паллалари орасидан бошларини чиқариб, сувўтларини ейишларини завқланиб кузатардик. "Ажойиб-а, шу шиллиққурт уйини ўзи билан олиб юради. Улар шу уйча ичидида кейинчалик қимматбаҳо марва-



Мухаббат ХАМИДОВА

ридга айланар экан. Чиганоқнинг ўзи марваридга айланармикан ёки уйчага кириб қолаётган кумларми? Нахотки бир куни ўша марваридни кўрсак!" деб ҳаяжонланардик. Лекин бирор марта ҳам қуриб-қақшаб кетган кумлар орасидан уларнинг вайрон бўлган уйчасини ёки уйча деворига қапишиб қуриб қолган танасини кўраман деб уйламаганман. Ҳозир вақт кўрмаган қадрдоноғимнинг тоғиб олгандек уни энтикиб ушладим. Кўзларим ёшланди. Нажот қидириб сув бўйига бордим.

Бир пайтлар барқ урган сувўтлар орасида юзлаб чиганоқлар сузиб юрарди. Қанча тикилмай, бугун уларни тополмадим. Мунгайиб укамга қарардим. Бу орада ўртанча ўғлим кум орасидан яна бир мажакланган чиганоқ коссасини топиб олди. Мен серрайиб туриб қолдим. Болаларим югуриб-югуриб яримта-юримта чиганоқ "уйча"ларини теришга тушиб кетишди. Мен беихтиёр ярми қуйиб кўмирга айланган ёввойи жийда тағига ўтириб олдим. Кўзим тиниб, қулоғим ғувулларди. Шу пайт оқ чарлоқларнинг товушидан сесканиб кўзимни очдим.

✓ **ЁД ЭТИБ**

# Зукко ва моҳир ТАРЖИМОН



Ўзбек адабиёти ва унинг ривожланиш тарихига назар ташлар эканмиз, унинг ўзича, айро ривожланмаганлигига гувоҳ бўламиз.

Адабиёт халқларни ўзаро яқинлаштиради, уларнинг урф-одатлари, миллий маданияти, тарихи, эътиқоди, диний қарашлари ва ўзлиги ҳақида онгимизда тасаввур ўйотади, ўша миллат ва халққа нисбатан фикр юрита олишимизга сабаб бўлади.

Фикр ўзаро алоқалар, яхши қўшничилик, биродарлик ва айниқса, адабиёт орқали шаклланиб кетган, биз сўзсиз ўша миллат тилини билишимиз, тушунишимиз, уни ҳурмат қилишимиз керак бўлади. Бу ишда бизга таржимонлар ҳар томонлама ёрдам беради. Таржимон малакали ва ўша соҳанинг етук мутахассиси бўлиши — бу давр талабидир. Шундай савол туғилиши табиий: таржимон таржима қилаётган асар таржимонга ҳам таъсир этадими? Таржима қилинаётган асарнинг салоҳияти, мавқеи, инсон руҳиятига таъсири ва бадияти кучли бўлса, у таржимон руҳиятига сўзсиз таъсир этади. Буюк бобокалонимиз, шоҳ ва шoir, давлат арбоби, моҳир саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг дунёга машҳур асари — “Бобурнома”да Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валининг “Рисолаи Волидийя” (“Оталиқ рисоласи”) рисоласини форс тилидан туркий-ўзбек тилига таржима қилганидан сўнг дарддан халос бўлганлигини баён этади. Демак, рисола руҳи беморни дарддан форигъ этди! Мана шу тарихий ҳақиқатнинг ўзиёқ таржима қилинаётган асар нафақат ўзига, балки миллат дардига малҳам бўлсагина фойдадан холи бўлмаслигини ва умрбоқий бўлиб, шуҳрат топишини кўрсатади.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон суҳбатларимизнинг бирида шундай деган эди: “Таржима қилинаётган асар таржимон руҳиятига мос бўлсагина асар таржимаси му-

вафқиятли чиқади. Чунки Сиз ўз сўз бойлигининг барчасини таржимага қаратишингиз керак бўлади”. Демак, таржимон, аслида, аслият ижодкори. Аслият таржимаси бадий мукамал бўлсагина у китобхонни ўзига тортади ва асарнинг маъно-мазмунини тўлиқ ифодалайди.

Биз ўзбек таржимонлари ҳақида сўз юритганимизда, машҳур шоир ва ёзувчиларимиз бу соҳада юксак ютуқларга эришганликларига шохид бўламиз. Мисол учун А.С.Пушкиннинг болаларга аталган ажайиб эртакларини устоз шоир Миртемир, Сергей Есенин шеърларини Эркин Воҳидов, В.Шукшин ҳикояларини Уткир Ҳошимов ва Хайриддин Султон, Ф.М.Достоевский асарларини Иброҳим Ғафуров, Ч.Айтматов асарларини Асил Рашидов, Е.Евтушенко шеърларини Ҳайдар, А.Вознесенский шеърларини Сирожиддин Саййид маромига етказиб таржима қилишган (рўйхат қисқа берилганлиги учун бошқа таржимонлардан узр сўрайман). Шу ўринда болалик чоғларимда Чингиз Айтматов ҳақида ўқиган бир воқеа эсимга тушди. Уруш даврида қишлоққа командирдан хат келади, хат рус тилида бўлганлиги сабабли уни Чингиз оғага беришади. Шунда Чингиз оға “подвиг” сўзини “погиб” деб ўйлаб таржима қилади. Жангчи жасорат кўрсатган, ўлмаган... Бу ҳолат машҳур ёзувчи бир умрлик сабоқ бўлади. Шу сабабли ҳам Чингиз Айтматов ўзининг машҳур қисса ва романларини киргиз ва, асосан, рус тилида ёзади.

Француз ёзувчиси Луи Арагон “Жамила” жаҳондаги энг гўзал қисса” дея таъриф берган. Инсон бахт-саодати, пок севги, она диёрга меҳр-муҳаббати, садоқати, аёллик латофати ҳамда жасоратини мадҳ этувчи ушбу умрбоқий асар ўзбек тилида ўн мартдан кўп нашр этилган. Бу эса китоб таржимони Асил Рашидовнинг асар таржимасига моҳирлик билан ёндашганидан далолат беради.

Асил Рашидов ўзбек китобхонларига Чин-

гиз Айтматовнинг ўндан ортиқ — “Юзма-юз”, “Жамила”, “Сарвқомат дилбарим”, “Биринчи муаллим”, “Сомон йўли”, “Бутақўз”, “Алвидо, Гулсари”, “Оқ кема”, “Эрта қайтган турналар”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” ва бошқа машҳур қиссаларини тортиқ эта олган, таъбир жоиз бўлса, ҳам оддий, ҳам машҳур таржимондир. Шу сабабли ҳам адабиётимизда Асил Рашидов номи Чингиз Айтматов номи билан ёнма-ён юради. Асил Рашидов ҳар бир таржимага ўзгача меҳр билан ёндашади. Бунга мен ўзим гувоҳ бўлган ва ҳозирги ёш таржимонлар учун ҳам сабоқ бўладиган хотирамдаги бир воқеани айтиб бермоқчиман.

Уша вақтда “Ўқитувчи” нашриётида ишлар эдим. Чингиз Айтматовнинг “Жамила” китоби қайта нашр этилиши керак бўлиб, бош муҳарриримиз Абдулла Ҳасанов таржимонни ҳам тақлиф этган эдилар.

Уша вақтдаги тартиб-қоидага асосан, китоб қайта нашрида таржимондан рухсат олинарди (бу қоида ҳозир ҳам сақланган). Кунларнинг бирида хона эшиги тақиллаб қолди. Эшикни очсам, узун бўйли, кўриниши жиддий, чуст дўппи кийган, салобатли бир киши турарди. Абдулла ака Ҳасанов ўринларидан дарҳол турдилар-да:

— Эй, келинг, келинг, Асил ака, яхшимисиз? — деб сўраша бошладилар.

— Чақиртирган экансиз. Шу ерда эканлигинизни билиб келавердим.

Асил акани биринчи марта кўришим эди. Уша машҳур Шароф Рашидовнинг укаси Асил ака! Оддий, камтарин инсон. Мен билан ҳам худди қадрдонлардек сўрашдилар. Суҳбат нашр этилаётган “Жамила” китобига келиб тақалди. Асил ака чўнтақларидан кичкина ёндафтарларини олдилар-да, Абдулла акага юзланди:

— Абдуллоҳжон, китоб қайта нашр бўлаётганини эшитиб, асарни яна синчиклаб ўқиб чиқдим ва айрим тузатишлар киритишга қарор қилдим, — дедилар. Ҳайрон қолдим. Чунки асар нашриётда

учинчи марта қайта нашр этилаётган эди.

Асил ака ёндафтарларини очиб, аввал нашр этилган китобнинг айрим бетларидаги сўзларга ўзгаришлар киритганликларини таъкидладилар ва ўзгаришларни ўқиб бера бошладилар. Суҳбат жараёнида нима сабабдан ўзгариш киритганларини изоҳлаб берадилар. Асил ака ўзбек тили қонун-қоидаларини жуда яхши билишларидан ташқари, жумла таъсир кучига, асосийси, таржима янада мукамал, раван бўлишига диққат-эътибор қаратдилар.

Мен зуқко ва ўз соҳасининг моҳир билимдони бўлган инсоннинг суҳбатидан баҳраманд бўлаётганимдан юрагимда чексиз фахр туйғуси ўта бошлади. Чунки Асил ака таржимонлар учун зарур ва фойдали бўлган маҳорат дарсини ўтаётган эдилар-да. Абдулла ака Асил аканинг ҳар бир ўзгаришларини ёзиб олар экан, таржимондан мамнун ҳолда бошини силкийтиб кўярди.

Кейинчалик Абдулла аканинг таъкидлашича, у бирон марта бўлса ҳам Шароф Рашидов номидан фойдаланмаган. Бу ҳақда суҳбатларимизнинг бирида Асил аканинг ўзи ҳам шундай деганди: “Уша вақтда ёш эдим. Ҳуқуқ ҳимоячиларидан бири ҳужжатларимни олиб, бошимни роса қотирди-да: “Фамилиянгиз Рашидов, биринчига қандай алоқангиз бор?” деб сўраб қолди. Енимдаги дўстим биқинимга туртиб: “Айтсанг-чи!” дерди. Мен бўлсам: “Фамилиядошим”, дедим. Қўтулганимиздан сўнг дўстим менга: “Укасиман, деб айтсанг, жаримага ҳам тушмасдинг”, дея таъна қилди. Мен эса: “Акамнинг номидан фойдаланмайман”, дедим. Мен акам билан бошимизга оғир синовли кунлар тушганида ҳам, қалбаки дўстлар ташлаб кетганида ҳам ғурурланганман. Акам менга доимо тўғри йўл кўрсатган ва у кўрсатган йўл тўғайли шу даражага эришдим”.

Асил Рашидов Чингиз Айтматов сингари асардан асарга ўсди. Тўғрисини тан олганда, у юртимизда Айтматов таржимонлиги

ижодий мактабининг яратувчиларидан бири бўлди.

Асил ака билан ижодий учрашувларим “O‘zbekiston” нашриётида ишлаб юрган чоғимда ҳам давом этди. Биз Чингиз Айтматовнинг “Юзма-юз” китобини нашрга тайёрладик. Бу муаллиф томонидан қайта таҳрир этилган ва янги боб қўшилган нашр эди. Шу сабабли ҳам Асил ака эринмасдан ҳар иккала корректурани ўқиб чиқди ва яна жузъий тузатишлар киритгандан сўнггина китоб нашрига рухсат берди. Асил ака китоб муқоваси дизайнига ҳам алоҳида аҳамият берар. “У асар туб маъносини англатиши керак”, дер эди.

Асил ака айрим муаллифларга хос бўлган “кеккайиш” касалидан мутлақо йироқ эди. У ўз таъбири билан айтганда, ишга тўраларча ёндашишдан жуда ўзоқ, камсуқум ва камтар, асосийси, белгиланган ишни ўз вақтида бажаришни хуш кўярди.

Мен юқорида асар таржимонга ва миллат дардига малҳам бўлсагина шуҳрат топади ва умрбоқий бўлиб қолади, дегандим. Асил Рашидов устоз таржимон сифатида инсон руҳияти, дарди, ўзига хослиги, замонавий муаммолар, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги, садоқат, дўстлик, пок севгини улуғлаган Чингиз Айтматов асарларини ўзбекча гапиртира олди ва, шубҳасиз, ўзбек адабиётининг зарварларидан мустақам ўрин эгаллади ҳамда икки халқ ўртасидаги дўстлик кўпригини янада мустаҳкамлади.

Сўзимни мухтасар қилиб айтадиган бўлсам, Асил Рашидов ўз исмига мос асп инсон, ғоят камтар, ишга виждонан ёндашадиган, таржима соҳасида ўзига ҳайкал қўя олган буюк таржимонлардан бири бўлиб, хотирамизда мангу яшайверади.

Баҳром АКБАРОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси.

## ЧИҒАНОҚЛАР ҚАБРИСТОНИ

**7-6.** Улардан бири нақ бошим устида икки бор айланди-да, ниманидир ташлаб юборди. Чўчиб оёғим остига қарадим. Бир қарич келадиган зогора балиқ қум устида жон талвасасида типирчиларди. Бейхитёр уни ердан кўтардим. Буни кўрган балиқчи қуш кўнгли хотиржам тортиб, узоққа учиб кетди.

— Ана, опа, бумининг: “Табиатдаги барча нарса — жонивор-у ўт-ўлан, ҳашарот-у курт-қумурсқагача одамзоднинг дўсти, яхшилигини унутмайди”, деган гаплари рост эканми? Назаримда, кекса балиқчи қуш сизни таниди, сизни меҳмон қилиш учун балиқ ташлади. Ҳозирок уни қовуриб ейишингиз мумкин, — дея жилмайди укам.

— Ҳа, — дедим хўрсиниб, — совға учун раҳмат! Балиқ бу ҳам дарёдаги сўнги балиқдир. Яхшиси, мен уни жойига қайтараман. Менга раҳмат дейди, ўзидан кўпайса ҳам, ажабмас, — дедим-да, тез-тез юриб бориб, балиқчани сувга қўйиб юбордим. У бир зум гарангсиз турғач, думларини ликиллатиб сузганча ўтлар орасига кириб кўздан йўқолди.

Наҳотки биз шу балиқчи қушча ҳам булолмадик? Наҳотки бутун бир қишлоқ аҳолиси биргалашиб, бог-роғларимизни гуллатган, шириндан-шаркар сабзавотлар этиштиришимизга замин бўлган саховатли дарёмизни асраб қолишга ҳаракат қилмадик? Нега мен онамнинг ҳасратларини эшитганимда, оппоқ тўлқинлари билан мени эркалаб катта қилган Чирчик дарёсидан хабар олмадим? Бир табиат жонкуяри сифатида тегилли ташкилотлар эшигига танда қўймадим. Ахир юрт пуфласа шамол турарди-ку. Эҳтимол, оёққа қалқанамизда, дарёмиз йўлларда бўлар-бўлмасга бўлинмаган, ожизгина ирмоққа айланиб қолмаган бўларди-ку... Шу хаёллар юрагимни гижимлаб турганда ўғилларим бир халта чиғаноқ палларларини келтириб оёқ-

ларим остига тўқди.

— Ойи, қаранг буларнинг кўпчилигини... Энди уларни нима қиламиз? — деди кенжатоим қопқора кўзларини жавдиратиб. — Бунинг ичиде яшаган чиғаноқлар ҳозир қаердайкин-а?

— Уларни мана бу жийда тагига кўмамиз, — дедим кўзда ёш билан.

— Вой, ўлиб қолган чиғаноқнинг ўрнига уларнинг синиб қолган уйчасини кўмса ҳам бўлаверадими? Тоға, кейинги гал келганимизда ҳам чиғаноқ суякларини териб буларнинг ёнига қатор қилиб кўмиб қўяйлик. Ушанда одамлар бу ерни чиғаноқлар қабристониде деб атайди, — деди ўғлим миқ этмасдан чукүр қазиётган укамнинг кўлларида ушлаб.

— Энди қирғоқдан бунақа синган садафларни топа олмайсан, — деди укам. — Энди чиғаноқлар йўқ.

— Улар қаёққа кетишди, денгизгами?

— Уларнинг укаларини кеча ўзимиз томондаги ирмоқда кўрдим. Чиғаноқлар роса кўпайишяпти. Бироқ энди улар соҳилга чиқмайди, маза қилиб ирмоқда — оналарининг ёнида, сувўтлар орасида бежавотир яшайверишади, — деди укам.

Гарчи бу гап тўқималигини, бу ерда энди дарё ҳам, чиғаноқлар ҳам қолмаганини билсам-да, укамнинг гапларига ишонгим келди. Чунки оққан дарё оқмасдан қолмас, дейишади-ку. Зора ҳаммамиз бирлашсак, хатоимизни тўғриласак. Дарё сувини бағрига қайтарсак. Яна қишлоғим болалигимдагидеи бог-роғларга, серҳосил далаларга айланса... Чиғаноқлар-у балиқлар дарё сувларида чайинавериб ялтираб кетган тошлар орасида бири-бирини қувалаб ўйнаса, беғубор оппоқ тўлқинлар юзида баландларга сакраса. Мен эшилиб, тўлғаниб оқаётган дарёда қўлочини катта отиб сузаётган набираларимга саҳий табиат, саховатли ҳамқишлоқларим ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилсам...

✓ **РАССОМ ХАНДАСИ**



Ҳабибулло МҮЙДИНОВ чизган карикатура.

**Hurriyat**  
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир  
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий  
эътиборимизда.  
Мақола ва хабарларда келтирилган  
маълумотлар учун  
муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (71) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Маъзилмиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис:  
Ўзбекистон  
Журналистлар  
уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан  
руйхатга олинган.

Адади: 4 126  
Буюртма — Г-1144

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.  
Баҳоси келишилган нарҳда

Топширилиш вақти — 21<sup>00</sup>  
Топширилди — 21<sup>30</sup>



Обуна индекси:  
якка  
обуначилар ва  
ташқилотлар  
учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди  
ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов, Мусаҳҳиҳ: Зуҳро Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.